O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши мини-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XALQ SO'ZI

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 37 (143)-сон, 2006 йил 21 сентябрь | www.21asr.com

МИЛЛИЙ ҒОЯ

3 Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, миллат манфаати тор партиявий ғоя ва мақсадлардан устун бўлиши шарт.



МОЛИЯ

8 Оилавий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмаклашиш мақсадида 105 млн. сўм миқдорида 79 та микрокредит ажратилди.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Будапештда 50 йил олдин юз берган тартибсизликлар яна такрорланди.

"ЎзКДБ Банк" Ўзбекистон-Корея қўшма банки ўзининг 10 йиллик фаолияти мобайнида юртимизда юзлаб қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишида молиявий кўмаклашмоқда. Айни пайтда банкнинг кредит қўйилмалари 22,8 млрд. сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 фоиз кўпдир. Мижозлар депозити эса 28,4 млрд. сўмга етди ва йил бошидагидан 21 фоиз ортди. Акциядорлик сармояси ҳам ўтган 9 ой мобайнида 19 фоиз кўпайди. Ўзбекистон-Корея ўзаро ҳамкорлигининг ёрқин тимсоли бўлган мазкур банк молиявий иқлим яхшилиги туфайли ўз фаолиятини йил сайин кенгайтириб бориш орқали ҳар иккала мамлакат халқлари дўстлигининг янада мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Президентнинг Фарғона сафари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 20 СЕНТЯБРЬ КУНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Масъуд СУЛАЙМОНОВ, ЎзА махсус мухбирлари

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди. Бу ерда тўрт юздан ортиқ савдо дўкони бўлиб, харидорлар, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Президент ушбу мажмуа ишини янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан, шу кунларда мазкур шаҳар тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишди.

Бугун Марғилон шаҳрида бўлган киши бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Айни пайтда шаҳардаги 35 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этаётир. Улар орасида Пир Сиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон мадрасаси бор. Бу ерда ёшлар учун ўзига хос кўриниш ва қулайликларга эга «Ёшлар хиёбони» бунёд этилмоқда. Шаҳар марказидаги шоҳбекатни қайта қуриш, Мустақиллик, Туркистон, Навоий, Марғиноний ва Ал-Фарғоний кўчаларини капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

Сифатли маҳсулотнинг харидори кўп

Оққўрғонлик тадбиркор Адҳам Саидумаров хайрли ишга қўл урди. Ўз фаолиятини бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, чоғроққина цехда тайёрланаётган плита, лоток, шлакоблок, жами 8 турдаги сифатли темир-бетон маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Энг муҳими, нархи анча арзон.

Ўз мухбиримиз

— Эл дуосини олган киши кам бўлмайди, — дейди корхона раҳбари, O'zLiDeP аъзоси А. Саидумаров. — Хизматимиздан кўпчилик мамнун. Буюртмачилар ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Шу кунгача 20 млн. сўмликдан зиёдроқ маҳсулот тайёрланди. Келгусидаги режаларимиз катта. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, маҳсулот турини 20 тага етказмоқчимиз. Ана шунда яна 10 кишини доимий иш билан таъминлаш имкони туғилади.

Миллий ғоя ва маънавият

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МАФКУРАВИЙ, ҒОЯВИЙ ВА ИНФОРМАЦИОН КУРАШЛАР КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН ҲОЗИРГИ МУРАККАБ ВА ТАҲЛИКАЛИ ДАВРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ЁШЛАРИМИЗНИ ТУРЛИ МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТГА ОНГЛИ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁН-АТРОФДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ВОҚЕАЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ ОШИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ, ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗГА ХАВФ ТУҒДИРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТАЖОВУЗЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Мазкур ҳужжат бу соҳани ташкил қилишни тадрижий такомиллаштириш ва тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг янги даврини бошлаб беради, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Маълумки, миллий ғоя Юртбошимиз томонидан асослаб берилган бўлиб, жамиятимиз тараққиётининг мафкуравий тамойилларини ифода этадиган, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотдир. Бу таълимот ўз тушунча ва тамойилларига, тарихий негизлари, илмий, фалсафий, дунёвий ва диний илдизларига эга муайян тарихий зарурат мужассам бўлган назария ҳамдир.

Давоми 3-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

Бош вазирликка номзод

Япония Либерал-демократик партиясининг етакчиси этиб Синдзо Абэ сайланди. Бунгача у ҳукуматнинг расмий вакили лавозимини эгаллаб келаётган эди. Айнан С. Абэ мамлакатнинг янги бош вазири бўлиши кутилмоқда.

51 яшар Синдзо Абэ келаси ҳафтада мамлакат бош вазири лавозимига сайланиши кутилмоқда. Чунки у эндиликда Япония парламентини назорат қилиб турган Либерал-демократик партиянинг етакчиси ҳисобланади. Абэ номзоди учун сайловларда иштирок этган 703 нафар кишидан 464 таси овоз берди. У — сиёсатчилар сулоласидан. Отаси бир вақтлар Япония Ташқи ишлар вазири бўлган, буваси мамлакат ҳукуматини бошқарган эди.

Шарҳловчилар таъкидлашларича, ярим асрдан кўпроқ вақтдан буён Японияга ҳукмронлик қилиб келаётган Либерал-демократик партиядан сайланган парламент аъзолари Синдзо Абэнинг машҳурлиги бўлажак сайловларда ўз мандатларини сақлаб қолишларига имкон беради, деб умид билдирмоқдалар.

Икки президентнинг сиртқи учрашуви

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида АҚШ ва Эрон президентларининг сиртқи учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳар иккала раҳбар Яқин Шарқда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарини баён қилди.

АР хабар беришича, Жорж Буш ўз нутқида экстремистлар АҚШ исломга қарши уруш олиб бораяпти, деган сохта гапларни тарқатиб, ўз зўравонликларини оқламоқчи бўлишмоқда. «Менинг мамлакатим тинчлик истайди. Уларнинг тарғиботи бутунлай сохта бўлиб, бизни чалғитишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Биз исломни ҳурмат қиламиз», — деди Буш.

АҚШ президенти бевосита Эрон халқига мурожаат қилар экан, «Сизларнинг раҳбарларингиз озодликни инкор этишаётгани ва терроризм ҳамда ядро қуролини яратишни молиялаштираётганлари келажагингиз йўлидаги асосий тўсиқдир. Ҳукуматингиз нималар демасин, биз умуман ядро энергетикасини ривожлантиришга қарши эмасмиз. Фақат у чиндан ҳам тинчлик мақсадларига қаратилган бўлиши керак»,-деди.

Ўз навбатида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод Бушдан кейин бир неча соат ўтгач сўзга чиқиб, «Эроннинг ядро дастури тамоман очиқ-ойдин бўлиб, у МАГАТЭ томонидан доимий назорат остига олинган», — деб айтди.

Ташриф

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 24–26 сентябрь кунлари Корея Республикаси бош вазири Хан Мен Сук хоним расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзаро мулоқотларда икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, шунингдек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 28-30 март кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида имзоланган битим ва шартномаларнинг амалдаги ижроси билан боғлиқ масалаларнинг муҳокама этилиши кутилмоқда.

Маълумки, Жанубий Корея Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаётган мамлакат бўлиб, юртимизда хорижий сармоядорлар учун қулай шароит яратилгани ва барқарор вазиятни ҳисобга олиб, Ўзбекистон билан иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Корея Республикаси бош вазирининг ташрифи эса, бу алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хан Мен Сук айни пайтда ҳукуматни бошқараётган "Ури Дан" партияси аъзоси бўлиб, жорий йилнинг март ойида мамлакат бош вазири этиб тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 19 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	925,10	1 Миср фунти	214,33	1 Польша злотийси	394,91	10 Жанубий Корея вони	12,83
1 Англия фунт стерлинги	2311,65	1 Исландия кронаси	17,44	1 СДР	1817,33	10 Япония иенаси	104,28
1 Дания кронаси	208,62	1 Канада доллари	1098,29	1 Туркия лираси	836,77	1 Россия рубли	45,92
1 БАА дирҳами	334,68	1 Хитой юани	154,77	1 Швейцария франки	979,84	1 Украина гривнаси	243,41
1 АҚШ доллари	1229,21	1 Малайзия ринггити	334,39	1 ЕВРО	1555,93		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ҲАЁТ бунёдкорлик ва яратувчанлик туфайли жонли ва гўзалдир, бу оғир юк эмас, балки қанот, ижод ва қувончдир

ТАНИШУВ

Президентнинг Фарғона сафари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида Узунҳовуз маҳалласида сув тармоғини қуриш, Ёвқочар маҳалла ҳудудидаги магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Ипакчилар шаҳарчасининг «Турон шойиси» корхонаси ҳудудида замонавий савдо мажмуаси барпо этилмоқда. Шаҳарчани темир йўл мавзеси билан боғловчи автомобиль йўли қурилиши давом этмоқда.

— Икки минг йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган Марғилон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, бу ерда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, бу йил Фарғона вилоятида 85 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Иккита янги мактаб бунёд этилди. Жумладан, Марғилон шаҳрида салкам минг ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Лекин асосий мақсад, таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, уларнинг шароитини яхшилашдан иборат эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан камолга етган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Президентимиз Марғилон шаҳрида қад ростлаган янги тиббиёт коллежида бўлиб, мазкур таълим маскани ўқувчилари ва педагоглари билан суҳбатлашди. Бундай таълим масканларида, аввало, таълим мазмуни ва маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

— Коллежда ўқувчиларнинг ўқиши, дам олиши замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун бу ерда ётоқхона ҳам бўлиши зарур, — деди давлатимиз раҳбари. — Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсадимиз — фарзандларимизнинг мукаммал таълим-тарбия олишлари, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Юртбошимиз Марғилонда яқинда қурилиши ниҳоясига етган қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйларни кўздан кечирди. Хонадонларда яратилган қулай шароитлар билан танишиш чоғида кишиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

ШАРҲЛАР

Мамлакатимизда аёлларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. O`zLiDeP Дастурида уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва мавқеини ошириш масаласига кенг ўрин ажратилганлиги ҳам бежиз эмас.

Амалий мулоқот

Ўз мухбиримиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, партиянинг Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари аёллар билан ишлаш бўлимлари масъул ходимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида "Аёллар ҳуқуқи камситилишини бартараф этиш Конвенцияси" юзасидан Ўзбекистон вакилларининг БМТдаги чиқишлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Дунёдаги 182 та давлат томонидан ратификация қилинган мазкур Конвенцияга мамлакатимиз 1995 йил 6 майда қўшилган эди.

Анжуманда 2001-2006 йиллар мобайнида хотин-қизлар ўртасида олиб борилган оммавий-сиёсий ишлар ҳақида сўз юритилди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова мазкур йиғинда ўртага қўйилган масалалар ҳақида тўхталаркан, жумладан, шундай деди:

— Биз ҳаммамиз мустақил юрт фуқароларимиз. Ғоявий хуружлар авж олаётган бугунги кунда томошабин бўлиб туришга асло ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, сиёсий ҳушёрликни оширишимиз, фаолиятимиз доирасини кенгайтиришимиз, хусусан, чекка қишлоқларда яшаётган хотин-қизларни назардан қочирмаслигимиз, улар ҳаётига оид муаммоларни ҳал этишда фракциямизнинг Олий Мажлисдаги аъзолари имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз лозим.

Мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари Набия Рўзматова, Матлуба Маҳаметова, "Дилбар — давр қизи" хусусий корхонаси раҳбари Дилбар Хўжаева сўзга чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этдилар.

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Фуқаролик жамияти ва ёшлар

Қорақалпоғистон. O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти филиали ҳамкорлигида Беруний туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Келажакка ёшлар нигоҳи билан" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ёшларнинг фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини тинглаш ҳамда уларни музокарага чорлаш мақсадида уюштирилган ушбу йиғинни институт филиали раҳбари А. Турдимамбетов кириш сўзи билан очиб, мазкур муассаса фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Сўнгра у "Халқаро, маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни" мавзуида маъруза қилди.

Тадбирда бугунги кунда ёшларни қийнаётган муаммолар ўртага ташланиб, уларни ҳал этишнинг йўллари юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Хусусан, ишсизликни бартараф этиш ва шу орқали ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар, турли ёт оқимларга кириб қолиш ҳолатларининг олдини олиш зарурлиги таъкидланди.

Қарор ижроси йўлида

Қашқадарё. Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг моҳияти ҳамда унинг ижросини таъминлашда O`zLiDePнинг вазифалари" мавзуида ўқув-семинар уюштирилди.

Анжуманда илғор фермерлар, ишбилармон ва тадбиркорлар, партиянинг шаҳар, туман кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, партия фаоллари қатнашдилар. Партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари У. Қобилов мазкур қарорнинг моҳияти ва унинг жойлардаги ижросини таъминлашда партия олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди. Таъкидландики, бугунги кунда янги ташкил этилган фермер хўжаликларини минитехнологиялар ва бошқа техника воситалари билан таъминлаш жуда муҳим муаммолардан биридир. Уларнинг хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва корхоналар билан муносабатларини пухта йўлга қўйишда партия кенгашлари амалий ёрдам кўрсатиши лозимлиги алоҳида таъкидланди, шунингдек, тадбир иштирокчилари "Қаршимебель" корхонасида ишлатилаётган минитехнологиялар, ун, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Собиров Алишер" хусусий корхонаси фаолияти ҳамда хорижий компанияларнинг минитехнологияларига доир маълумотлар билан танишдилар.

ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

Авлиё мақбарасига зиёрат

Тошкент шаҳри. 18 сентябрь куни O`zLiDeP Тошкент шаҳар Сергели туман кенгаши томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, маҳалла фаоллари, тиббиёт ходимлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун Тошкент вилоятидаги "Зангиота" мақбарасига зиёрат уюштирилди.

"Зангиота" мақбараси мамлакатимиздаги муқаддас қадамжолардан биридир. Занги ота ислом динининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган, омма орасида катта обрў-эътиборга эга, эл севган авлиё бўлган. Зиёратчилар дастлаб мақбарани кўздан кечириб, Қуръон тиловат қилдилар. Нуроний отахонлар дуога қўл очар эканлар, аввало, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, фаровонлик абадий бўлишини Аллоҳдан тиладилар. Бу сингари эзгу мақсадли тадбирни ташкил этгани учун партиянинг Сергели туман кенгашига миннатдорлик билдирдилар.

Муаммолар ечими ҳақида баҳс

Тошкент вилояти. Тадбиркорлик ҳаракати ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳа вакиллари манфаатини ҳимоя қилиш O`zLiDePнинг дастурий вазифаларидан биридир. Шу мақсадда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида семинарлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиш одатий тус олмоқда.

Партиянинг Тошкент вилоят ва Ўртачирчиқ туман кенгашлари ҳамкорлигида вилоят Кардиология диспансерида ташкил этилган анжуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент Фармони, ҳукумат қарорлари, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижросига бағишланди. Тадбирда Сиёсий таълим маркази раҳбари Б.Очилова ва Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳ. Иброҳимовлар сўзга чиқиб, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг аҳволи, бу жараёнда юзага келаётган мавжуд муаммолар ҳақида фикр юритдилар.

Шунингдек, фермер ва тадбиркорлар ўзларини қийнаётган муаммолар билан ўртоқлашдилар. Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтган анжуманда мазкур соҳа вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича партия вазифалари белгилаб олинди.

СУД АМАЛИЁТИ

Ҳаёт тажрибаси ва қонун ижодкорлиги

Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонунининг сўнгги таҳририда "банкротлик" тушунчасига мукаммал изоҳ берилади. Аввалги қонунда қарздорни банкрот деб топиш учун битта шарт мавжуд бўлиб, яъни кредиторлик қарзларини узоғи билан 6 ой, якка тартибдаги тадбиркорлар эса узоғи билан 3 ой давомида тўлай олмаса, банкротлик учун асос бўлар эди. Янги таҳририда бу муддат барча тадбиркорлик субъектлари учун 3 ой этиб белгиланиб, юридик шахслар банкрот бўлиши учун кредиторлик қарзи энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан, якка тадбиркорлик субъектида эса 30 бараваридан кам бўлмаслиги шарт қилиб қўйилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
Самарқанд вилоят хўжалик судининг судьяси

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонунда аввалги таҳрирдаги қонунлардан фарқли ўлароқ, суд бошқарувчиси ва қарздор корхонада қузатув каби янги институтлар жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилди. Самарқанд вилоят хўжалик суди томонидан 2005 йил давомида жами 130 та банкротлик иши кўрилиб, шундан 94 та корхона банкрот деб эълон қилинди, 3 та корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий қилинди, 26 та иш бўйича даъво рад этилди, 3 та иш бўйича иш юритиш тугатилди. 2006 йилнинг 3 ойи давомида эса жами 85 та банкротликка оид иш кўрилиб, шундан 75 та корхона банкрот деб эълон қилинди, 1 таси бўйича иш юритиш тўхатилди.

2005 йил давомида банкротликка оид ишларни кўриш жараёнида мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги орқасидан айрим корхоналар банкрот ҳолатига тушиб қолгани аниқланиб, 6 та иш бўйича бир қатор корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди, 27 та иш бўйича мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

2006 йил 3 ойи давомида банкротликка оид ишларнинг 8 таси бўйича тегишли қарздор корхона мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини текшириш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсадида вилоят прокуратурасига хусусий ажримлар юборилди.

Банкротлик институти туб маънода, бир томондан, тўловга қобилиятсиз хўжалик юритувчи субъектларни фуқаролик муомаласидан чиқарган ҳолда бозорни соғломлаштириш учун хизмат қилса, бошқа томондан эса бу институт ҳаракатда бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари, яъни якка тадбиркорлар ва турлича мулк шаклидаги юридик шахсларга ўз ишларини қайта ташкил этиш ҳамда молиявий мустаҳкамланишга эришиш имкониятларини яратиб беради.

Банкротлик (ночорлик) бозордаги норентабель корхоналар фаолиятига чек қўйиб, бирмунча самарали ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарига кенг йўл очиб беради.

Банкротликка доир ишларни қўзғатишда судлар қонуннинг 2-моддасида мустаҳкамланган "банкротлик (иқтисодий ночорлик)" тушунчаси ва унинг белгиларини очиб берувчи умумий қоидаларга таянмоқда. Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, банкротлик (иқтисодий ночорлик) деганда, хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришга, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади. Банкротлик қарздорни суд томонидан мутлақо тўловга нолойиқ деб тасдиқлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг 1999 йил 16 июлда қабул қилинган "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонунини (янги таҳририда) қўлланишнинг айрим масалалари ҳақида"ги 78 сонли қарорининг қабул қилиниши судлар томонидан шу тоифадаги ишларни кўриб, ҳал этишда амалий қўлланма бўлмоқда. Қарорнинг 23-бандига кўра, агар юридик шахсни тугатиш ҳақидаги хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан уни тугатишга ваколати бўлган мазкур шахс ёхуд органнинг таъсисчиларга тугатишни амалга ошириш бўйича мажбурият юкланиб (ФКнинг 54-моддаси, 3-қисми), бироқ юридик шахсни тугатиш амалга оширилмаса, бундай қарздорга нисбатан ФКнинг 57-моддасида назарда тутилган асослар бўйича "Банкротлик тўғрисида"ги қонунда кўзда тутилган тартибда банкротлик бўйича иш юритиш қўзғатилади. Агар "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 130-моддасида кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, банкротликнинг соддалаштирилган тартибдаги таомилини қўлланиш мумкин.

Кейинги йилларда ночорликни ҳуқуқий тартибга солишда қатор янгиликлар содир бўлмоқда. Биринчидан, ночорлик нафақат савдо соҳаси, балки фуқаролик ҳуқуқи субъектларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди. Иккинчидан, қонунчиликда кўзда тутилган танлов жараёни билан биргаликда янги, бу жараённи "енгиллаштирувчи" шакллар қўшилди. Жумладан, молиявий қийналаётган шахсга бутунлай инқирозга дучор бўлишдан омон қолиш учун шароит яратилиб, келишув битими тузиш, ҳар хил имтиёзлар бериш, масалан, қарз тўлаш муддатини узайтириш, қарзларни қўшиб ҳисоблаш, муайян шартлар бажарилганда, уни тўлаш мажбуриятидан ўз-ўзидан озод қилиш кабилар белгилаб қўйилди. Учинчидан, катта аҳамиятга эга бўлган корхоналарга (агар ўта ҳалокатли ҳолатга тушиб қолишса) имтиёзли кредитлар, заёмлар, беғараз маблағлар берилади. Қонуннинг 78-79, 91-92-моддаларида суд санацияси ва ташқи бошқарув ҳуқуқий институтидан фойдаланишга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги 1998 йил 4 мартдаги Фармони ҳукумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларнинг амалий ифодасини билдиради. Ушбу Фармон хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг корхоналар иқтисодий аҳволи учун жавобгарлигини назарда тутиб, унда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жиноий, маъмурий ва мулкий жавобгарлик чораларини қўлланишни белгилаган.

Бундай жавобгарлик чоралари хорижий давлатлар амалиётида мавжудлиги ҳам маълум. Масалан, 1990-1991 йилларда АҚШ Олий суди томонидан давлат манфаатида киритилган даъволар бўйича банкрот бўлган ташкилотлар раҳбарлари, хизматчилари ва маслаҳатчиларидан 700 млн. доллар ундириб олинган.

ЎЗ ақли ва фикрига, эзгу инсоний мафкурага, аниқ миллий ғояга суяниб яшаган халқни ҳеч қандай куч енга олмайди

МУНОСАБАТ

АКС-САДО

Миллий ғоя ва маънавият

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қиёмиддин НАЗАРОВ

У айнан шундай назария сифатида ижтимоий воқеликнинг ифодаси тарзида намоён бўлади, ўзига хос шакланиш қонуниятлари ва хусусиятларига эга умуммиллий ҳодиса ҳисобланади. Қарорни ўрганишда аввало масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бўлган биронбир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган комил инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва, ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

"Ушбу ғояни қандай зарурат шакллантирди?" ва "Ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима?" деган саволларга жавоблар Президентимиз Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидаги фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди.

Халқимиз онгига миллий ғоянинг тушунча ва тамойилларини тадрижий равишда сингдириб бориш, бу борадаги ташкилий тузилмаларни босқичма-босқич такомиллаштириш жараёни билан узвий боғлиқ тарзда намоён бўлмоқда. Мазкур қарор ана шу нуқтаи назардан жамиятимиз тараққиёти учун муҳим соҳаларни давр талабларига мос тарзда тадрижий ўзгартиришнинг яққол мисолидир.

Бу масаланинг ўтган давр мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган, амалиётда ўз тасдиғини топган яна бир қимматли жиҳати шундаки, бу ҳақда алоҳида тўхталиш лозим.

Собиқ иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган ёш давлатларнинг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш борасида бир-бириникига ўхшамайдиган изланиш ва тажрибалари бир ҳақиқатни яққол намоён этди. Яъни мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ишланган тараққиёт дастурларини ва моделларини қабул қилиш мумкин. Лекин уларни рўёбга чиқариш, амалга оширишнинг йўл-йўриқлари, мустаҳкам маънавий-маърифий кафолатлари ҳамда ғоявий тамойиллари бўлмаса, ҳар қандай яхши дастур ёки модель ҳаётдан йироқ бўлиб қолаверади.

Маълумки, баъзи МДҲ мамлакатларида айнан мана шу ўтган 15 йил мобайнида турли ғоялар, мафкуравий андозалар, дастур ва режалар, ўзини оқламаган тажрибалар ўтказилди. Уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун дунёдаги номдор олим ва мутахассислар, иқтисодчилар, ислоҳотчи ва сиёсатчилар жалб қилинди.

Лекин тан олайлик: бундай уриниш ва саъй-ҳаракатларнинг барчаси кўнгилдагидек натижа берди, деб бўлмайди. Хўш, нима учун? Чунки яхши ният билан бошланган ислоҳотларни, уларнинг ижросини маънавий-маърифий жиҳатдан босқичма-босқич таъминлаш, жамият аъзолари, турли қатламлар ва партиялар орасидаги муносабатларни тартибга солиб туриш, ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган омма онгига Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ манфаати каби тушунчаларни сингдириш йўлида хизмат қиладиган миллий ғояга етарли эътибор берилмаганлиги ана шундай оқибатларни келтириб чиқарди. Айрим мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий беқарорликлар ҳам аслида ислоҳотларни олиб боришда изчилликнинг, уларнинг самарасини таъминлайдиган маънавий-ғоявий омилларнинг заифлиги сабабли юз берганлиги ҳам бугун кўпчиликка яхши маълум.

Шу боис кейинги йилларда собиқ иттифоқ ўрнида ташкил топган баъзи давлатлар маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар стратегиясини ўзгартириб, бу борада Ўзбекистон тажрибасига катта эътибор қарата бошладилар. Ўзбекистонда ҳаёт қоидасига айланиб бораётган юксак маънавий тамойилларга асосланган тадрижий тараққиёт йўлини гўё янгидан "кашф" этгандек, ўз сиёсий тафаккури маҳсули сифатида тақдим этишга уринаётганлар ҳам бор. Улар орасида ҳалигача ўз миллий ғоясига эга бўлмаганлари ҳам бор.

Ҳақиқат ягона бўлишини, эртами-кечми, ҳамма барибир ана шу ҳақиқат сари интилишини ушбу мисолнинг ўзидан ҳам кўриш мумкин. Биз учун энг муҳими ва қувонарлиси — Ватанимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ барча соҳалар каби маънавий-маърифий жабҳада ҳам тўғри йўлни танлай олгани, бу йўлдан собитқадамлик билан бораётгани ва унинг ҳаётбахш самаралари кўзга тобора яққолроқ ташланаётганидир.

> ҚАРОРДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, "ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОД ҚАЛБИ ВА ОНГИГА ОНА ЮРТГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛГА САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИНИ ЧУҚУР СИНГДИРИШ МАСАЛАСИ БУГУНГИ КУНДА ТОБОРА ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА".

Қарорни ўрганиш жараёнида миллий ғоя юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гуруҳ, дин, партия ёки қатлам вакиллари учун устувор маънавий омил эканлигига алоҳида урғу берилиши лозим. Зеро, бу ғоя 130 дан зиёд миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон халқининг, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан дадил бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни, миллий давлатчилигимиз анъаналарини асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадларини яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бу ғоянинг асосий мақсад ҳамда вазифасини ташкил этади.

Қарорда алоҳида таъкидланганидек, "Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда".

Бу эса партия сиёсий таълим тизимида давом этаётган ўқувлар жараёнида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади:

- миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг асл мақсадларини чуқур ўрганиш;
- халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаш, уларни маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш, партиядошлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш;
- фуқароларимиз онгида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни мустақил фикрли, юксак эътиқодли, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратиш;
- маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни қўллаш асосида партия аъзолари онгида Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги ғояларига садоқат руҳини тарбиялаш.

Таъкидлаш лозимки, миллий ғоя ва маънавият соҳасидаги долзарб вазифаларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш кенг омма онгида демократия, эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш билан боғлиқ ғояларни қарор топтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни маънавий-маърифий ишлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилгандагина, кутилган натижаларни беради. Шунинг ўзиёқ партиянинг сиёсий таълим тизими олдида нечоғли муҳим ва масъулиятли вазифалар турганлигини кўрсатиб турибди.

Энг муҳими, ушбу йўналишдаги вазифаларимиз вақти-вақти билан ўтказиладиган мавсумий тадбирлар бўлиб қолмасдан, партия ҳар бир бўғинининг кундалик фаолиятига айланиши, доимий эътиборимизда турадиган бирламчи вазифа бўлмоғи лозим.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ манфаати тор партиявий ғоя ва мақсадлардан устундир. Сиёсий ўқувлар бу борада партиямиз аъзоларини мамлакатимиз дахлсизлиги, миллий хавфсизлик ва ислоҳотлар жараёнининг узлуксизлиги, жамият аъзоларининг умумий манфаатларидан устунроқ бўлган бирон-бир партиявий ёки шахсий мақсад ва вазифа бўлиши мумкин эмаслигига ўргатиши лозим. Зеро, юртимизга нисбатан турли мафкуравий хуружлар, ғаразли мақсадлар, ғоявий таҳдидларга қарши жамиятимиздаги барча кучлар ва қатламларнинг ягона миллий ғоя асосида бирлашиб, ҳамкор ва ҳамжиҳат ҳаракат қилиши ниҳоятда муҳим эканлиги онгимиз ва қалбимизга синггандагина, бу соҳадаги ҳаракатларимиз зое кетмайди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, жойларда ташкил этилган сиёсий таълим марказлари ва доимий ҳаракатдаги семинарлар тизими миллий ғоя тарғиботи борасидаги муҳим партиявий вазифалар ечимини топиш, кадрлар билими ва малакасини оширишда янада муҳим аҳамият касб этади. Улар принципиал жиҳатдан партиямиз аъзоларининг янги қиёфасини, юксак мафкуравий тайёргарлигини шакллантиришга хизмат қилиши зарур. Бундай мақсадларга сафларида профессионал, билимдон ва фидойи кишиларни жипслаштира олган партиягина эриша олади. Бир сўз билан айтганда, жамият нафасини, давр талабини тўла ҳис этиб яшашимиз, эл юкига елка тутишимиз, ўз фаолиятимизни такомиллаштириб боришимиз лозим.

Билимсизлик, иродасизлик, ғоясизлик ҳар қандай муваффақиятни йўққа чиқариши, ўсиш ва ривожланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан маълум, албатта. "Кечаги кун қаҳрамонлари"га айланиб қолмаслик учун вақтдан ўзиб, истиқболни кўзлаб ишлашимиз зарур. Мухтасар қилиб айтганда, сиёсий ўқув жараёнига нисбатан эътиборсизлик партия олдида турган вазифаларнинг долзарблиги ва кўламини англамасликдан бошқа нарса эмас. Яъни, сиёсий таълим партиявий ишларнинг ажралмас қисми эканлигини унутмайлик. Бу борада, энг аввало, партиядошларимиз онгидаги ғоялар ўз мазмун-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш, миллий ғоянинг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини барча сафдошларимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Машғулотларни олиб боришда партия аъзоларининг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш, таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий таълим технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш, айрим тушунчаларни кескин соддалаштириш, таълимнинг эскирган услуб ва тамойилларини қўллаш натижасида ҳар бир кишининг мустақил ва эркин фикрлаши, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини ҳосил қилишига бирламчи эътибор қаратишимиз зарур.

Бундан ташқари, тингловчилар орасида ўзаро ҳамфикрлилик ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, ғоянинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда унинг асосчиси — Юртбошимиз асарларига таяниш, жаҳон ва республикамиз ҳаётига оид турли мисоллар, дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлилидан, матбуот материалларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги давр ҳам, талаб ҳам бошқача. Ғоявий соҳада олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришда воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳозиржавоб бўлиш, зиммамиздаги муҳим вазифаларни англаш ниҳоятда муҳим.

Шу ўринда Юртбошимизнинг "Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш – бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда" деган фикрларини яна бир карра эслаш ўринлидир.

Ушбу фикр миллий ғоя тарғиботи борасидаги ишларнинг самараси ҳамда таъсирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар учун барчамизнинг масъуллигимизни ва бу соҳада янада фаол бўлишимиз лозимлигини англатади.

КЎРГАЗМА



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да жуда муҳим мавзуга бағишланган кўргазма очилди. "Телекоммуникация ва технологиялар — InfoComExpo-2006" деб номланган 7-халқаро кўргазмада жаҳондаги 20 та давлатдан 400 дан зиёд фирма ва компаниялар қатнашмоқда.

Ахборот асри деб таърифланаётган XXI асрни телекоммуникация ва технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, жамият тараққиётида улар ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Халқ хўжалиги барча соҳаларининг ривожи негизида биринчи галда коммуникация ва ахборот технологиялари туради. Республикамизда ҳам мазкур соҳанинг тезкор ривожланиши учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ITE Uzbekiston компанияси ва унинг Буюк Британиядаги ҳамкори - ITE Group PLC томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма давомида конференциялар ҳам бўлиб ўтмоқда. Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимиз бозорларига дунёнинг етакчи фирма ва компаниялари маҳсулотларини олиб кириш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этишдан иборат.

— Бундай тадбир Тошкентда еттинчи маротаба ўтказилмоқда, - деди "Teleset Alfa" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бош директори И.Сим. - Шуниси эътиборлики, бу галги тадбирда маҳсулотлар тури янада ранг-баранг ва бой. Энг муҳими, ўта замонавийлиги билан барча иштирокчилар диққат-эътиборини тортмоқда.

Халқаро кўргазмада кўплаб хорижий фирма ва компаниялар билан ҳар томонлама фойдали шартномалар тузиш имкони бор.

«ПАХТА-2006»

Ғолиблик нашидаси

Қумқўрғон тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш шартномавий режасини республикада биринчи бўлиб бажаришди. Бу борада O`zLiDeP аъзоси бўлган фермерларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Жорий йилда 9 минг 497 гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, давлат қабул пунктларига 27 минг тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Ҳар гектар майдондан ўртача 30,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Холмўмин МАМАТРАИМОВ

Ғалабанинг ўзи келгани йўқ, албатта. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар фермерларда ерга, мулкка бўлган эгалик ҳиссини кучайтирмоқда. Ёқилғи ва минерал ўғитларни талон-тарож қилиш ҳолларига барҳам берилди. Бу йил асосий майдонларга "Наманган-77" навли ғўза уруғи экилган эди. Парвариш даврида барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун илғор тажрибаларга кенг амал қилинди. Дейлик, илгари тумандаги айрим хўжаликларда ғўза чеканкаси асосан август ойида ўтказилган бўлса, жорий йилда ушбу тадбир августдаёқ ниҳоясига етказилди. Натижада ғўза ниҳолларида ҳар қачонгидан мўл ҳосил тўпланди.

— Ғўза — нозик ўсимлик, — дейди тумандаги "Мирза Олим" фермер хўжалиги сувчиси М. Омонов. — У меҳр ва парваришни талаб қилади. Хусусан, суғоришда ҳикмат кўп. Шарбат суви кўсакларнинг тез етилишини таъминлайди. Бу ишни илгаригидек куннинг иссиғида эмас, балки салқинда амалга оширишни йўлга қўйдик. Кўриб турибсиз, самараси чакки эмас.

"Мирза Олим" фермер хўжалиги жамоаси амалдаги йилда 57 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, шартномавий режани 15 иш кунида ортиғи билан бажарди. Ҳозиргача ҳар гектар майдон ҳисобига 40 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Хўжаликда йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Мақсад, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишдир.

Фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Ибодулла ота Қароров шундай ҳикоя қилади:

— Деҳқоннинг замони келди, ўғлим. Эркин меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топганга нима етсин. Биласизми, бир пайтлар асосан кўрсатма, топшириқ билан иш юритилар эди. Фермерлик ҳаракати бошлангач, бунга ҳожат ҳам қолмади. Мустақил фаолият юритган деҳқоннинг ошиғи олчи. Ўзимиздан қиёс. Пахтачилик хўжалигимизга яхшигина даромад келтираяпти. Бу йил соҳадан 80 млн. сўмдан зиёдроқ даромад олишни мўлжаллаб турибмиз. Биз бой бўлсак, халқимиз тўқ яшайди-да, ахир.

Қумқўрғон туманида 330 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар йил сайин юқори натижаларга эришмоқда. Бу, шубҳасиз, ҳалол меҳнат ва изланиш самарасидир. С.Бойматов номли фермерлар уюшмаси ва "Сувонов Абдуназар", "Гаффор", "Анҳор", "Бобоқулбобо" фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 45-50 центнерга етди. Ҳозиргача 280 дан ортиқ фермер пахта тайёрлаш шартномавий режасини ортиғи билан бажарди. Уларнинг аксарияти O`zLiDeP аъзосидир. Шунингдек, эришилган ютуқда "Бешқаҳрамон" ширкат хўжалиги деҳқонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда пахта тайёрлаш шартномавий режаси 5 сентябрь куниёқ ошиғи билан бажарилди. 1 минг 253 гектар майдондан 3 минг 600 тонна сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Шунинг 1 минг 300 тоннаси уруғлик пахтадир. Ҳосилнинг барчаси биринчи навга қабул қилинди.

Яна бир далил. Йиғим-терим ишларига 14 минг киши жалб этилди. Меҳнат ҳақи ўз вақтида бериб борилди. Туман деҳқонлари етиштирилган хом ашёни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, давлат қабул пунктларига қўшимча 6 минг тонна пахта етказиб бериш, ҳосилдорликни 35,1 центнерга етказишни кўзда тутишмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил биргина пахтачиликнинг ўзидан 9 млрд. 600 млн. сўм даромад олиш мўлжалланаётир. Бу маблағ аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида сарфланади, албатта.

МАОРИФ ТИЗИМИ

ЎЗ озодлигига эришган халқ фақат билим машъали билангина ўзининг бахтиёр келажак йўлини ёрита олади

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР — АМАЛДА

Баркамол авлод тарбияси — энг муҳим вазифадир

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ЎЗИДАГИНА БУ СОҲАГА 15 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ АЖРАТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН

«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди».
Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрларини нечоғли аҳамиятли эканлигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Зеро, ҳар қандай жамият тараққиёти унинг аъзолари онги ва тафаккури билан белгиланади.

■ Зумрад АБРОРОВА, «XXI asr» мухбири

Шу боис, мустақиллик йилларида келажагимиз пойдевори ҳисобланмиш ёш авлод тарбиясига муҳим аҳамият берила бошланди. "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Президент Фармонининг қабул қилиниши эса, мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга қаратилган ислоҳотларни янада жадаллаштирди.

Мухбиримизнинг Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилмурод РАҲМАТУЛЛАЕВ билан суҳбати ҳам бевосита халқ таълими тизимини янада ривожлантириш орқали баркамол авлод тарбияси бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Атоқли аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий мактабни дунёдаги энг улуғ ва кўркам иморат, дея таърифлаган эди. Бугун мамлакатимизда ана шу қутлуғ даргоҳларга иккинчи умр бахш этиш учун катта ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, умуммиллий дастурга кўра, вилоятимизда 11 та мактаб қурилиши кўзда тутилган. Мавжуд 706 та мактабнинг 124 таси капитал реконструкция қилинади, 488 таси мукаммал, 83 таси жорий таъмирдан чиқарилади. Бу мақсадлар учун мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 15,2 миллиард сўм, янги қурилишлар учун 1,2 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу жорий йилда ўзлаштирилиши лозим бўлган маблағ. 2004-2009 йилларда амалга ошириладиган ишларга сарфланиши мўлжалланган маблағ эса жуда катта. Айтмоқчиманки, давлатимиз келажак авлод таълими учун бор имкониятларини ишга солаяпти.

Масалан, биргина шу йилнинг ўзида вилоятимизда 109 та мактаб таъмирланиб, бутунлай янгича кўриниш ва шароитга эга бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таъмирланаётган мактабларнинг муаллимлари ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги 5-, 10-мактаблар, Қорасув шаҳридаги 3-, Асака шаҳридаги 3-мактаблар муаллимлар жамоалари ўз кучлари билан ўқув масканлари ҳудудини ободонлаштириш, улар атрофини девор билан ўраш, мактаблар дарвозаларининг икки томонида навбатчи хонаси ва ўқув қуроллари дўкони қурдилар. Бу ташаббус маъқулланиб, вилоят миқёсида кўргазмали семинарлар ўтказилди. Айни пайтда вилоятдаги янги қурилган ва таъмирланган 200 га яқин мактабнинг атрофи девор билан ўралган, кириш дарвозалари ёнида навбатчи хонаси ҳамда ўқув қуроллари дўкони ишлаб турибди.

— Туман ва шаҳарларда бўлганимизда, ҳақиқатан ҳам мактаблар биноларининг бутунлай янгича манзара қашф этганининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва услубий ашёлар билан жиҳозлаш масаласи қай даражада ҳал этилаяпти?

— Дастурга кўра, мактабларни юқорида таъкидланган ашёлар билан таъминлаш хусусида ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилган. Унга кўра, ҳозирча 2 миллиард 164 миллион 967 минг сўмлик жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Айниқса, компьютерлаштирилган хоналарни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, "Маънавият ва маърифат", "Касбга йўналтириш", чизмачилик, тасвирий санъат, чет тили, барча аниқ фанлар хоналари ҳам тўла компьютерлаштирилаяпти. Мактабларни мебель, ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳам режа асосида амалга оширилаяпти. Бу борада вилоятимиздаги қатор корхоналар томонидан берилаётган беминнат ёрдамни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. "Катрие" хусусий корхонаси, "Марг эффект рисо" МЧЖнинг мактабларга қаратаётган эътибори, айниқса, диққатга сазовор бўлди.

Замонавий қиёфа касб этган ва жиҳозланган даргоҳларда таълим стандартлари ва ўқув дастурини такомиллаштириш, муаллимлар фаолиятини ташкил этишда қандай янгилик ва ўзгаришлар бор?

- Мактабларда яратилган шарт-шароит нафақат ўқувчиларимиз, балки ўқитувчиларимиз қайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, ўз касбининг фидойилари сони йил сайин ортиб бораяпти. Энг илғор муаллимлар тажрибалари эса, вилоятда кенг оммалаштирилмоқда. Бу борада ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан ўзаро ҳамкорлигимиз ҳам яхши самара бераяпти. Айни пайтда институт вилоятимиздаги 5 та мактабда масофадан ўқитиш бўйича ҳудудий тажриба-синов майдонларини ташкил этганлиги фикримизга яққол далил бўла олади. 2005-2006 ўқув йилида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида вилоятимиздан 6 нафар муаллим ғолиб чиқди. Ўқув даргоҳларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанларини ўқитиш", "Таълимда дўстона муносабатлар" ва бошқа мавзуларда ўтказилаётган семинарларда ўз касбининг ҳақиқий фидойиларини аниқлаб бораяпмиз. Вилоятдаги 5 та мактабда экспериментатор-ўқитувчилар иштирокида республика ўқув-семинарлари ташкил этилганлиги ҳам андижонлик ўқитувчилар эришаётган муваффақиятларнинг яна бир эътирофидир.

— Педагогик кадрлар меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари хусусидаги ҳукумат қароридан сўнг тизимда қандай ўзгаришлар рўй бераяпти?

— 2006 йил 1 сентябрь ҳолатига вилоятимиздан 38 минг 57 нафар ўқитувчига такомиллашган тизим тарификацияси бўйича ҳақ тўланмоқда. Директорлик жамғармаси ҳисобидан вилоятимиздаги жами ўқитувчиларнинг 43 фоизи, яъни 17747 нафар муаллим маошига устама белгиланди. Касб маҳорати ҳамда синфдан ташқари тарбиявий ишлари учун 3 минг 300 нафар ўқитувчига қўшимча иш ҳақи тўланаяпти. Мактабларнинг директорлик жамғармаларидаги маблағ эса 4 миллиард 391 миллион 483 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Умуман, истиқлол йилларида муаллимлар, халқ таълими тизимининг барча ходимлари меҳнатини қадрлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик даврида вилоятимизнинг ўзидан 202 нафар халқ таълими ходимининг давлат мукофотлари билан, 1000 нафардан зиёд педагог "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирлангани машаққатли ва фахрли меҳнатимизга берилаётган муносиб баҳодан яна бир далолатдир.

Ўқитувчи меҳнати қадрлана бошлагач, вилоятимиздаги олий ўқув юртларининг 27 нафар профессор-ўқитувчиси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг 17 нафар ходими ўриндошлик асосида мактабларда ҳам ишлай бошладилар.

— Кейинги йилларда умумтаълим мактабларда спорт базаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошлади...

— Бу борада ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Жорий йилда "Манзилли дастур" асосида 4 та туманда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 18 та янгидан қуриладиган ва реконструкция қилиниши лозим бўлган иншоот учун 1 миллиард 612 миллион сўм маблағ ажратилган. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 100 нафарга яқин ўқувчимиз республикамизнинг турли минтақаларида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, фахрий ўринларни қўлга киритдилар. Айниқса, бокс, кураш, каратэ сингари спорт турлари бўйича эришаётган натижаларимиз қувончли бўлмоқда. Бадиий гимнастикани ривожлантириш мақсадида мактабларга салкам 2 миллион сўмлик жиҳозлар етказиб берилди. Умуман олганда, тизимимизда 1118 та спорт секцияси ташкил этилган бўлиб, уларга 27 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз жалб қилинган. "Умид ниҳоллари - 2006" спорт мусобақаларида андижонлик ўқувчилар 16 та олтин, 20 та кумуш ва 50 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Соғлом авлод — миллат камоли. Шу боис, бундан буён ҳам болалар спортини ривожлантириш учун бор имкониятларимизни ишга солаверамиз.

— Умуммиллий дастур ижросига маҳаллий ижро органлари, жамоатчилик қай даражада ҳисса қўшаяпти?

— Қурилаётган ва таъмирланаётган мактабларнинг ўз муддатида фойдаланишга топширилиши вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг доимий диққат-эътиборида турибди. Дастур ижросига киришилган дастлабки йилдаёқ, вилоят ҳокимлиги таъмирланаётган мактаблардаги иш сифати ва суръатини рағбатлантиришга қаратилган махсус қарор қабул қилганди. Ана шу ҳужжат асосида энг яхши таъмирланган мактабларни компьютер ва бошқа қимматбаҳо жиҳозлар билан мукофотлаш яхши анъанага айланиб қолди. Шу ўринда Қўрғонтепа, Олтинкўл, Андижон каби қатор туманлар ҳокимликларининг қурилиш-таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишда яқиндан кўмак беришаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Бундан ташқари, вилоятда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ҳам бевосита оталиқ ёрдами кўрсатиб, келажагимиз эгалари — ўғил-қизларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ЭЪЛОН

«OSIYO EKSPRESS» ЁАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавот ва узумчиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709 сонли Фармонидан келиб чиқувчи вазифаларни бажариш мақсадида **"OSIYO EKSPRESS"** ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади.

Умумий йиғилиш 2006 йил 20 октябрда соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мирсалихов кўчаси, 9-"а" уйда ўтказилади.

Кун тартиби:

1. **"OSIYO EKSPRESS"** ёпиқ акциядорлик жамияти **"SOHIBKOR"** масъулияти чекланган жамияти ва **"AGROBRIKS"** масъулияти чекланган жамиятини қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш;
2. **"SOHIBKOR"** масъулияти чекланган жамияти ва **"AGROBRIKS"** масъулияти чекланган жамиятини қўшиб олиш шартномаларини тасдиқлаш;
3. **"SOHIBKOR"** ва **"AGROBRIKS"** масъулияти чекланган жамиятларининг топшириш далолатномаларини тасдиқлаш;
4. **"OSIYO EKSPRESS"** ёпиқ акциядорлик жамияти негизида ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги **"OSIYO EKSPRESS"** агросаноат фирмасини тузиш;
5. **"SHOVKAT-SAHOVAT BOG`I", "BILLUR MEVA", "YUSUPOV MEVASI", "YANGIYO`L GAVHARI", "FAYZ-MARVARID CHIROYI"** фермер хўжаликлари аризалари асосида **ЁАЖ** шаклидаги **"OSIYO EKSPRESS"** агросаноат фирмасига янги иштирокчиларни қабул қилиш;
6. **ЁАЖ** шаклидаги **"OSIYO EKSPRESS"** агросаноат фирмаси устав фонди янги миқдорини белгилаш ва жамият акциядорлари ўртасида тақсимлаш;
7. **ЁАЖ** шаклидаги **"OSIYO EKSPRESS"** агросаноат фирмасининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
8. **ЁАЖ** шаклидаги **"OSIYO EKSPRESS"** агросаноат фирмаси бош менежерини сайлаш;
9. **ЁАЖ** шаклидаги **"OSIYO EKSPRESS"** агросаноат фирмасининг янги муҳр ва штамп эскизини тасдиқлаш.

Кузатув кенгаши.

ФОТОАЙБНОМА

Касални яширсанг...

"Барча иллатларнинг онаси — лоқайдлик", деган гапни кўп бор эшитганмиз. Бежиз бундай дейилмаган. Негаки лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳукм сурган жойда ишдан барака кетади, нуқсонлар урчийверади.

■ Шухрат РАҲИМОВ

Шаҳримиздаги Навоий кўчасини билмайдиган киши топилмаса керак. Метронинг "Пахтакор" ва "Навоий" бекатлари туташган ушбу ҳудудда кўплаб савдо дўконлари жойлашган. Хизмат сифати ва маданиятини бир чеккага қўйиб турайлик. Дўконлар атрофидаги кўнгилсиз манзараларни кўриб, таъбингиз хира тортиши турган гап. "Реклама" мақсадида чиқариб қўйилган турли жиҳозлар, маиший техника буюмлари ўтиш йўлагининг ярмигача чўзилган. Ҳаммасидан ҳам жой талашаётган енгил автомашина эгаларининг бақириқчақириқлари қулоқни қоматга келтиради. Ваҳоланки, серқатнов кўча бўйидан "автостоянка" сифатида фойдаланиш ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига зиддир. Наҳотки ДАН ходимлари бу ҳолдан бехабар бўлишса?

Цемент пиллапоялар орқали аста-секин пастга тушамиз.

Бир пайтлар кўзни қувонтирган яшил майдон бугун қаровсиз ҳолатда. Савдо дўконлари атрофи чиқиндихонага айлантирилган. Чоратроф ҳувиллаб ётибди. Ушбу суратларга эътибор беринг. Қанчадан-қанча бинолар, омборхоналар эшигига қулф урилган, ойналари синиб, ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида ҳукм сураётган бу нохуш манзара шаҳар аҳолисини ҳам, савдосотиқ илинжида келадиган меҳмонларни ҳам бирдек ранжитиши турган гап. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Аслида касални яшириш эмас, балки тузатиш керак.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, туман санитария-эпидемиология станцияси мутасаддилари бу хусусда нима дейишаркин? Наҳотки шаҳримизнинг озодалиги, саранжом-саришталиги улар учун аҳамиятсиз бўлса?



ОММА ЎРТАСИДА ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРГАН МАСАЛАЛАРДАН БИРИДИР. АНА ШУ МАҚСАДДА БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАЯПТИ.

ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ОДАМЛАРДА ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ, МЕҲНАТГА ОНГЛИ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТИР.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИНСОН ФАОЛИЯТ УЧУН ЯРАТИЛГАН. ФАОЛИЯТСИЗЛИК ЭСА ЙЎҚЛИК БИЛАН БАРОБАР

Биз қаерда бўлмайлик

ПАРТИЯ ОБРЎ ЭЪТИБОРИ УЧУН КУРАШМОҒИМИЗ ШАРТ, ДЕЙДИ «АНДИЖОНТУМАНГАЗ» КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА ЖУМАБОЕВ

Партия тадбиркорлар эркинликларини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил бўлиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этилиши тарафдоридир. Партия давлатнинг назорат органлари корхоналар, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувдан воз кечиши керак, деб ҳисоблайди.

O`zLiDeP дастуридан

Ҳозирги кунда Андижон туманида партиянинг 900 нафардан зиёд аъзоси бўлиб, улар 17 та бошланғич ташкилот атрофга бирлашган. "Андижонтумангаз" филиали ҳузуридаги бошланғич партия ташкилоти ана шулардан биридир. Сиёсий-тарбиявий ишларга жиддий эътибор қаратилаётганлиги бу ерда ҳам ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда ташкилотнинг эллик нафарга яқин аъзоси бор.

■ **Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири**

— Мен 35 ёшга кирган бўлсам-да, шу пайтгача ҳеч бир сиёсий партияга аъзо бўлмаганман, — дейди жамоа раҳбари Отабек Умаралиев. — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, фуқароларда чин маънодаги эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган ғоя ва мақсадлари юртдошларимиз қалбида акс-садо бериб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Буни ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Янги партия ўзининг ҳаётий ғоя ва мақсадлари билан омма эътиборини тортмоқда. O`zLiDeP келажагига ишонганим учун ҳам унинг сафига киришга, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга бел боғладим. Бу, шубҳасиз, катта масъулият демакдир. Масъулиятни сезган киши эса қийинчиликлардан чўчимайди, аксинча, ўз мақсади йўлида дадил ҳаракат қилаверади.

Дарҳақиқат, шундай. "Андижонгаз" ҳудудий газ таъминлаш корхонасининг "Андижонтумангаз" филиали ишчи-хизматчилари туман ҳудудидаги 24200 та хонадон, 392 та маиший ва ишлаб чиқариш объектларини табиий газ билан таъминлаб келмоқда. Навбатдаги кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида мавжуд 403 та газ тақсимлаш ускуналари техник кўрикдан ўтказилди, юқори ва ўрта босимли газ қувурлари қайта кўздан кечирилди. 2006 йил мобайнида табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 15 км. масофага қувурлар тортилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99 сонли қарорига асосан аҳоли хонадонларига газ ҳисоблаш ускуналари кредит ҳисобига ўрнатиб берилди.

— Бу жуда қулай экан, — дейди Ёрбоши қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги "Айрилиш" кўчасида яшовчи Арофатхон Солиева. - Авваллари қиш мавсумида газ учун ойига 17 минг 325 сўм, ёзда эса 3 минг 860 сўм тўлашга тўғри келарди. Газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгач, анчамунча маблағни тежашга эришаяпмиз. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар нарса ҳисоб-китобли бўлиши керак. Зеро мижоз манфаати ҳамма нарсадан муҳимдир.

Корхона катта назоратчиси Низомиддин Исоқовнинг таъкидлашича, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида, тўлиқ ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда қатор рейдлар ўтказилди. Ана шу жараёнда газ тармоқларига 36 та ноқонуний уланиш ҳоллари аниқланди ва бу ҳақдаги материаллар чора кўриш учун туман прокуратурасига тақдим этилди.

— Бошланғич ташкилотимиз ўз фаолиятини бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ, — дейди Қ. Жумабоев. — Сафларимиз мустаҳкамланди. O`zLiDeP аъзоларидан Султонбек Жалолов, Низомиддин Исоқов, Раъно Нуриллаева сиёсий фаолликни ошириб, барча соҳада ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.Омма ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириш диққат марказида турган масалалардан биридир. Ана шу мақсадда барча куч ва имкониятлар ишга солинаяпти.Тўғри, ташкилотимиз ҳали анча ёш, тажриба кам.

Шундай бўлса-да, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Масалан, Бутақора қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Роввот, Бешбанги маҳаллалари аҳолисининг талабларини иноватга олиб, хонадонлар тўлиқ газлаштирилди. Фақат шугина эмас. Жамоамиздаги 10 нафар кам таъминланган ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига мактаб қуроллари сотиб олишда яқиндан ёрдам кўрсатилди. Икки нафар ходимимизга қорамол туҳфа қилинди.

Биласизми, ташкилотимиз илгари "Ўзкоммунхизмат" агентлиги тасарруфида эди. Бирор-бир ташкилот билан ихтиёрий равишда ҳамкорлик қила олмасдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш, улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш, истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш юзасидан самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек табиий газдан оқилона фойдаланиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид қарори соҳада туб бурилиш ясаш имконини бермоқда. Ушбу қарорга асосан янги тузилма - "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси ташкил этилди ва унинг юридик мақоми белгиланди.

Натижада мустақил фаолият юритиш, ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Тўғри, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Уларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар бир ходим, хусусан, O`zLiDeP аъзолари алоҳида фаоллик ва жонкуярлик билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳалол меҳнат эса, эртами-кечми, ўз самарасини бериши шак-шубҳасиз.

Қудратилла ЖУМАБОЕВ, 1966 йилда Андижон туманидаги Куйганёр шаҳарчасида туғилган. Андижон давлат қишлоқ хўжалиги институтини битирган. Айни пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхонаси бор. «Андижонтумангаз» филиалининг катта устаси, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

Қаҳрамонимиз қаерда бўлмасин, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, омманинг сиёсий билим даражасини ошириш йўлида куч-ғайратини аямайдиган аъзоларимиздан бири. Шу боисдан ҳам корхонадаги 30 нафар сафдошлари уни ўзларига етакчи этиб сайлашган.

Етакчилик масъулияти

■ **Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**

— Партия аъзоси бўлиш катта масъулият — дейди суҳбатдошимиз. — Зиммамиздаги бурч эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Бинобарин, сиёсий соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш, партия сафларини кенгайтириш йўлида қатъият ва изчиллик билан иш олиб боришимиз лозим.

Дарвоқе, ушбу корхона темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Белгиланган режалар ортиғи билан уддаланмоқда. Ўтган йилнинг етти ойига нисбатан амалдаги нархларда 333 фоиз ўсишга эришилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 344192 млн. сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, жорий йилда 5264 метр кубдан зиёд темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилди. Бу борада партия фаолларининг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Илҳомжон Нишонов, Муҳиддин Камолов, Раҳматилла Раҳмонов, Баҳодиржон Акбаров, Ҳамиджон Жалилов ана шулар жумласидандир. Корхона маҳсулотлари вилоятнинг Учқўрғон, Косонсой, Мингбулоқ, Чуст, Уйчи ҳамда Янгиқўрғон туманларида қад ростлаётган қурилиш иншоотларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— Сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда партия туман кенгаши бизга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда, — дейди фаоллардан бири Илҳомжон Нишонов. — Бу эса фаолиятимиз доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Яқинда туманимизда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар бизни янада қатъият ва ташаббускорлик билан иш юритишга ундайди.

Дарҳақиқат шундай. Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури асосида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросига жиддий эътибор қаратилган. Корхона ҳисобидан кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатилаётир. Ишчи-хизматчиларнинг тушлиги асосан корхона ҳисобидан қопланаяпти. Ойлик маошлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси жамоа аъзоларига маънавий куч-ғайрат бағишлаб, уларни жамият фаровонлиги йўлида баракали меҳнат қилишга ундамоқда.

Исроилжон ПАЗЛИДДИНОВ, 1963 йилда Наманган туманидаги Тепақўрғон қишлоғида туғилган. Тошкент политехника институтини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги олий бизнес мактабини тамомлаган. Тўрақўрғон туманидаги "4-қишлоқ қурилиш комбинати" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбари, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Ҳаёт кўзгуси

КИНОНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁСДИР, – ДЕЙДИ «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ, БПТ РАИСИ РИНАТ ТЎРАЕВ

Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини бадиий тасвир орқали тўлақонли акс эттириш, кинематографиянинг халқимиз ҳаёти ва ёшлар тарбиясидаги ролини кучайтириш, унинг ғоявий-бадиий савиясини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири саналади.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони (2004 йил март) алоҳида аҳамиятга эгадир. Фармон кино-видео фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ихтисослашган корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тармоқни шакллантириш каби мақсадларни кўзда тутади.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги вилоят ҳудудий бўлими жамоаси юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу борада жамоа сафида меҳнат қилаётган O`zLiDeP аъзоларининг ҳиссаси салмоқлидир. Улар зиммаларидаги партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, омма ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

"Партия ўтиш даврининг мураккаб шароитида ижтимоий лоқайдлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, зўравонлик, экстремизм ва шунга ўхшаш таҳдид ва хуружларни муайян ижтимоий дастурлар ёрдамида тугатиш ишида фаол иштирок этади", дейилади O`zLiDeP дастурида.

Бундан тўғри хулоса чиқарган бухоролик маслакдошлар кино санъатидан муҳим ғоявий-тарбиявий восита сифатида фойдаланишга ҳаракат қилаяптилар. Ҳар бир аъзо зиммасига тегишли партиявий топшириқ юклатилган. Уларнинг ижроси доимий назорат қилиб борилади.

— Биласизми, - дейди БПТ раиси Р. Тўраев биз билан суҳбатда. - Баъзи хориж мамлакатларидан вилоятимизга кириб келаётган видео-кассеталар кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Асосан гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, қотиллик каби иллатлар тарғиб қилинадиган бундай кино "маҳсулот"ларидан кўзда тутилган мақсад битта. У ҳам бўлса, ёшларимиз онгини заҳарлаш, миллий анъаналаримизга путур етказиш, турмуш тарзимизга соя солишдир. Бундай ҳоллар билан асло келишиб бўлмайди.

Ҳақ гап. Ғарб андозаси бизга тўғри келмайди. Бас, шундай экан, миллий ўзлигимизни асло унутмаслигимиз лозим. Бошланғич партия ташкилоти бу масалага жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Олди-қочди, савияси паст фильмларнинг экранларга чиқиб кетишига йўл қўйилмаяпти. Вилоят ички ишлар, солиқ ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда тузилган тадбирлар режаси жиддий назорат остига олинган. Киновидео фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссия доимий ҳаракатда.

> Р.Тўраев, 1958 йилда Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. Санкт-Петербург кинематография институтини битирган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Вилоят маданият ва спорт бошқармасида бўлим бошлиғи, "Бухоро киновидео" акциядорлик-бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган. Ҳозирда "Ўзбеккино" миллий агентлиги вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда вилоятда кино-видео хизмати кўрсатишга ихтисослашган 80 дан ортиқ шохобча бўлиб, уларнинг аксарияти Бухоро шаҳрида жойлашган. O`zLiDeP аъзоси Рамзиддин Жўраев юқорида тилга олинган шохобчалардан бирида хизмат қилади. Ўзига, бурчига, касбига нисбатан ғоят талабчан. Турли киностудиялар томонидан яратилган ва ленталарга муҳрланган илмий-оммабоп, ҳужжатли ва бадиий фильмлар унинг кучғайрати ва маҳорати билан сифатли тарзда намойиш этилмоқда. Томошабинлар талаб-эҳтиёжлари асосида хизмат кўрсатиш Р. Жўраевнинг асосий шиоридир. Ташкилотда унга ўхшаш фаоллар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Умид Алимов, Шаҳриёр Каримов, Сухроб Йўлдошев, Шуҳрат Шарипов, Мақсуд Йўлдошев партиявий бурчга сидқидилдан ёндашиб, касбдошлари ҳурматини қозонишаяпти. Ана шундай фаоллардан яна бири, бўлим бош мутахассиси Мукаррам Тоировадир. Унинг соҳада меҳнат қилаётганига 30 йилдан ошган. Айни пайтда кино-видео соҳасида назорат ишларини олиб боради. Мукаррам опа ўз зиммасидаги бу партиявий топшириқни сидқидилдан уддалаб келмоқда. Умуман, барча соҳада фаол, ташаббускор.

Маълумки, омманинг сиёсий фаоллигини оширишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Партия фаоллари буни диққат марказида тутишаяпти. 17-сон маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли "Моҳи Тобон", "Ромитан", "Оҳангарон", "Шофиркон", Чўлпон номли кўчаларда жойлашган хонадонларда тез-тез бўлиб, O`zLiDeP ғоялари ва мақсадларини кенг тарғиб қилишаётир. Бу эса ўз навбатида маслакдошлар сафининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни кунда вилоятда 80 нафардан ортиқ тадбиркор аҳолига кино-видео хизмати кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Уларнинг аксарияти чекка туман ва шаҳарларда фаолият юритишмоқда. Жумладан, Отабек Давлатов, Шавкат Латипов, Дилдора Болтаева, Алишер Нурмуҳаммедов, Отабек Жумаев, Назира Ҳамроева, Илҳом Хушвақтов каби мутахассислар ҳалол меҳнат орқали эл назарига тушишган. Жамоада бу каби илғорларнинг сафи кенг. O`zLiDeP аъзолари — ҳисобчи Холида Ҳамидова, иш юритувчи Олима Тўраева, шунингдек, ёш тадбиркор Наргиза Каримова ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин.

Ташаббускорликда ҳикмат кўп. Мана, жонли мисол. Тикувчи ва модельер-дизайнер Наргиза Каримова бўлим ҳузурида тикувчилик цехини очиб, уйда ўтириб қолган қизжувонларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этди. Айни пайтда бу ерда 10 нафарга яқин аёл иш билан таъминланган. Умуман, "Наргис" сервис хизматидан бугун шаҳар аҳолисининг кенг қатлами баҳраманд. Чеварлар қўлида жило топган кийим-кечаклар, хусусан, аёллар ва болалар либослари юқори сифати билан буюртмачиларни мамнун этмоқда.

Давр олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда. Бу тўла маънода кино санъатига ҳам тааллуқлидир. Вазирлар Маҳкамасининг "Кино-видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қарори соҳа ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бухоролик маслакдошлар ушбу қарордан келиб чиқиб, кино бозорини ривожлантириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланаяптилар. Партия ғояларига садоқат уларни янада олға руҳлантирмоқда. Зеро, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган жойда ҳаёт янгича мазмун касб этиб, ютуқлар салмоғи кўпаяверади.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

Навоий шаҳридан 250, туман марказидан 200 чақирим олисда жойлашган Абай номли наслчилик ширкат хўжалиги асосан қоракўлчиликка ихтисослашган. Унинг маркази Боймуродни саҳро қўйнидаги мўъжиза десак, хато қилмаймиз. Бу ерда том маънодаги фидойи инсонлар яшаб, меҳнат қилишмоқда. Кейинги йилларда, хусусан, қоракўл тери, гўшт ҳамда жун ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилмоқда. Натижада хўжалик иқтисоди мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бораяпти.

Миллионлар чегара эмас

O`ZLIDEP ҒОЯЛАРИ ҚИЗИЛҚУМЛИК ЧОРВАДОРЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН УЙҒУНЛАШМОҚДА

■ Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

— Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб бекорга айтилмаган, — ҳикоя қилади бошланғич партия ташкилоти етакчиси Пўлат Дуйсенов. — Бу ҳаётий ҳақиқат O`zLiDePнинг дастурий ғоялари мағзига сингдириб юборилган. Дастурда таъкидланганидек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва барча чоралар билан ривожлантириш, мўл ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, шу йўл билан дунё бозоридан муносиб ўрин эгаллаш Ўзбекистон тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ахир қозонда бўлса, чўмичга чиқади-да.

> Пўлат ДУЙСЕНОВ, 1969 йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Миллати — қозоқ. 1992 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — ветеринария врачи. 1994-2000 йиллар давомида Абай номли жамоа хўжалигида меҳнат қилган. 2000 йилдан бошлаб Конимех тумани бош ветеринария врачи, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

Бундан икки ярим йил муқаддам хўжалигимизда O`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилган эди. Айни кунда партия ғояларини чорвадорлар онгига етказиш, сиёсий чиниқтириш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Хўжалик бош зоотехниги Пердебой Ережепов, бош иқтисодчи Сафар Боймуродов, ветеринария врачлари Муртазо Эгамқулов, Абулхайр Бабанов, бош чўпон Даурбек Дуйсенов сингари фаолларимиз бу борада ибрат кўрсатишмоқда. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида, ферма ва овулларда ўтказилаётган оммавий-сиёсий тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар жараёнида асосий эътибор одамларда шахсий масъулият ҳиссини, меҳнатга онгли муносабатни шакллантиришга қаратилаётир. Хўжалигимиз иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиб бораётганлиги ҳам шундан.

Жамоа ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, партия етакчисининг юқоридаги сўзларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Мавжуд 85 минг бош қўй-қўзи, жумладан, 46 минг бош совлиқ 130 нафар пудратчига шартнома асосида бўлиб берилган. Бу эса маҳсулот таннархини пасайтириш, моддий манфаатдорликни оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Жумладан, якунланган йилда соҳадан 420 млн. сўм соф фойда олинди. Унинг 42 млн. сўми дивиденд сифатида пудратчилар ўртасида тақсимланди. Ҳозирда ўртача ойлик иш ҳақи 150 минг сўмни ташкил этмоқда. Аҳоли замонавий қулайликлардан тўла баҳраманд.

Бошланғич партия ташкилоти хўжалик бошқаруви билан ҳамкорликда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга жиддий аҳамият бермоқда. Боймурод қўрғони обод, ҳавас қилса арзигудек. Айни кунда бу ерда 500 ўринли клуб, замонавий бозор мажмуи, қариялар чойхонаси, маиший хизмат уйи, банк шохобчалари, универмаг, болалар боғчаси, марказий шифохона, кутубхона ишлаб турибди.

Бу каби ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз, ҳалол меҳнат, интилиш ва ташаббускорлик мевасидир. Бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган Рустам Ирисов, Бахтиёр Тоғаев, Сейипмурод Калимбетов, Ахан Умаров, Боймурод Хўжанов, Жулдас Кимбаев, Омонгелди Жалғасов каби фаоллар эса ислоҳотларнинг олдинги сафида боришга, юксак номга муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Ҳа, Қизилқум кенгликлари эл бойлигига бойлик қўшаётган жасоратли инсонлар туфайли ҳамиша уйғоқ, фараҳбахш...

Назокат ташаббускорлар рўйхатида

Ҳар бир инсон ўзича бир дунё. Назокат Ҳамроқулова сиртдан нозиккина кўринса-да, маънан бой, журъатли аёл. Қай ишга қўл урмасин, охирига етказмагунича тинибтинчимайди. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. — Ўзидаги иқтидорни тўла намоён эта олган кишигина кўзлаган мақсадларига эриша олади, — дейди у биз билан суҳбатда. — Афсуски, баъзиларда журъат, ҳафсала етишмайди. Ҳозир олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирадиган замон эмас. Жамиятдан муносиб ўрин эгаллаш учун изланиш, ҳалол меҳнат қилиш лозим.

■ Зоҳид ТЎРАБЕКОВ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганда, Назокат эндигина 17 ёшга қадам қўйган эди. Аммо ғайрати ичига сиғмас, энди-энди урф бўлаётган тадбиркорлик соҳасига алоҳида меҳр қўйган эди. Ниҳоят, юракдаги иштиёқ юзага қалқиб чиқди. Отаси — Тоҳиржон ака унга қўл-қанот бўлди.

Ҳаракатда — баракат, дейдилар. Н. Ҳамроқулова олти ой ичида чеварлик сир-асрорларини пухта эгаллади. Синглиси ва қариндош-уруғлари ҳамда маҳалладаги тенгқурларини жамлаб, кичик тикувчилик жамоасини ташкил этди.

Ота қизининг бундан-да каттароқ ишларга қодирлигини яхши биларди. Шу тариқа корхона негизида қандолатчилик цехи ҳам ташкил этилди.

Мана, орадан 10 йил ўтди. Назокат Ҳамроқулова бугунги кунда вилоятдаги кўзга кўринган тадбиркорлардан бирига айланган. Унинг саъй-ҳаракати билан қўшни Риштон тумани "Маънавият ва маърифат" маркази қошида миллий ҳунармандчилик бўлими очилди. Бу ерда хотин-қизлар тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик йўналиши бўйича таълим олишмоқда. Фақат шугина эмас. Вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси билан ҳамкорликда тўндўзлик, дўппидўзлик, тўқувчилик ва пазандачилик бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди. Бир сўз билан айтганда, ўқув маркази бугун юзлаб қиз-жувонларни ўз бағрига олган.

Улар орасида Бағдод, Риштон, Бувайда, Учкўприк туманларидан қатнаб, ҳунар ўрганаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Мутахассислар фикрича, туман бўйича яратилган иш ўринларининг 8-10 фоизи марказ ҳиссасига тўғри келади.

Назокат Ҳамроқулова ғайратли ва уддабурон тадбиркоргина эмас, сиёсий ҳушёр, юксак эътиқодли партия ходими ҳамдир. Икки йилдан бери фирма қошида очилган бошланғич партия ташкилотига етакчилик қилмоқда. Аъзолар сони ўн нафардан зиёд. Улар ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлардан ҳарқанча ўрнак олса арзийди. Жумладан, "Ишбилармон ҳунарманд қизлар давраси", "Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз", "Ўзбекистон халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди" каби мавзуларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, ошкора мулоқотлар кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда. Буларнинг ҳаммаси омма ўртасида O`zLiDePнинг нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

— Мақсадим — маҳаллий телевидениеда "Тадбиркор минбари" рукнини очиб, O`zLiDeP туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда сиёсий мавзуларда турли кўрсатувлар ташкил этиш, шу тариқа тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга ўз ҳиссамни қўшишдир, — дейди Назокат Ҳамроқулова. — Зеро, келажак ғайратли ва ташаббускор кишиларники. Шундай экан, сафларимизни янада кенгайтириш, партия ғояларини омма онги ва шуурига етказиш учун барчамиз масъул эканлигимизни асло унутмаслигимиз лозим.

СОҒЛИҚ ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун ҳам буюк неъматдир

ТИББИЁТ

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Берунийнинг ғойибона издоши

Буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг маънавий хазинасидан — илм-фан соҳасида яратган асарларидан бутун жаҳон илм аҳли, мана, неча асрдирки, фойдаланиб, баҳра олмоқда. Ёқут (араб олими): "Замона илм, ақлда Абу Райҳон Берунийга тенг келадиган бошқа одамни кўрмадим", — дейди. Немис олими Э.Захау: "У фан океанида яккаю ягона қоядир", — дея таъриф берган. Илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича улкан кашфиётлар қилган олим ўрта асрларда Хоразмда биринчи бўлиб доривор ўсимликлар ҳақида ҳам асар ёзган. Шу тариқа у Шарқ табобатида фармацевтикани мустақил фан даражасига кўтарган ва унга асос солган буюк ҳакимдир.



■ Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ

Беруний ўз бахтини тинимсиз ва шижоатли меҳнатда, изланишда, илму маърифатда, умр мазмунини эса инсонларга меҳру саховатда бўлмоқ, деб билган.

...Кўҳна воҳа узра оқшом чўкмоқда. Кундузги юмушлардан чарчаган меҳнаткаш воҳа аҳли ҳордиқ чиқараётир. Хонқа — Хазорасп йўлида машиналар чироғи маржондай порлайди. Темир йўл устидан ўтган кўприкка кўтарилаётиб, ўнг тарафга назар ташласангиз, зулмат қаърига ёғду сепаётган уйларга кўзингиз тушади.

Ана шу оддийгина, дабдабалардан ҳоли уйларнинг бирида камтарин ва меҳнаткаш, илм-фанга меҳри баланд бир инсон яшайди. Бу киши доришунослик фанлари доктори Ражаббой ака Собиров бўлади. У Берунийни ўзининг ғойибона устози деб билади.

Ражаббой ака фан йўлида заҳмат чекиб, кўпгина илмий ютуқларни қўлга киритди. Дорихона мудирлигидан фан доктори даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Фанда силлиққина, теп-текис йўл йўқ. Ҳеч ким юрмаган сўқмоқлардан ўтиш заҳматидан чўчимаган кишигина кўзланган манзилга ета олиши мумкин.

Ҳаёт тақозоси билан Ражаббой аканинг суҳбатларида кўп бўлганман. У — суҳбатдошининг қалбига йўл топа оладиган, тинглаш маданиятига риоя қиладиган, самимий ва очиққўнгил инсон. Кулимсираб тургувчи қиёфасидан нур ёғилади. Айниқса, илм-маърифатдан, доривор гиёҳлардан сўз очилса, Ражаббой ака яйраб-яшнаб кетади. Бу соҳада амалга оширган ишларини писанда қилмасдан, келгуси режалари ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Ўзининг эзгу ниятларига сизни ҳам ошно қилади.

Ўтган йили серқуёш куз кунларининг бирида Ражаббой ака билан Хонқадаги касб-ҳунар коллежи олдидан ўтувчи йўлакда дучма-дуч келиб, бирпас гурунглашдик. Ражаббой аканинг чиройи очиқ, кайфияти баланд эди.

— Биласизми, мана шу жойларнинг обод бўлиб кетганлигидан ниҳоятда хурсандман. Чунки болалигим шу ерларда ўтган. Эски уйимиз худди мана шу жойда эди, — дея Ражаббой ака коллеж биносига ишора қилди.

Ражаббой Собиров 1936 йилда Хонқа туманидаги Сарапоён қишлоғининг Ўрда элатида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгач, 1955 йилдан 1960 йилгача Тошкент давлат фармацевтика институтида билим олди. Иш фаолиятини 1960 йилда Хива шаҳридаги 2-дорихонада ассистентликдан бошлади. Сўнгра Хонқа туманидаги Томадурғадик ва Қорақош қишлоқларида дорихоналар ташкил этиб, уларга мудирлик қилди.

Ражаббой акада доришунослик борасида, айниқса, халқ табобати соҳасида илмий изланишлар олиб бориш истаги ғолиб келди. У 1969 йилда аспирантуранинг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. 1969-1974 йилларда Тошкент давлат фармацевтика институтида катта лаборант ва ассистент вазифаларида ишлаб, илмий изланишлар олиб борди. Ана шу давр Ражаббой ака учун қайноқ иш ва жўшқин илмий фаолият йиллари бўлди. Тошкент давлат университети қошидаги икки йиллик шарқ тиллари кечки курсида форс тили бўйича ўқиди.

Р.Собиров аспирантурага шунчаки орзу-ҳавас билан ўқишга киргани йўқ, 33 яшар бу йигит ўз соҳаси бўйича катта ҳаётий ва илмий тажриба ортгиришга улгурган эди. У 1965-67 йилларда Хоразм воҳасида биринчи бўлиб доривор ўсимликларни ўрганиш бўйича илмий экспедиция ташкил этди. Экспедиция жараёнида тўпланган бой материаллар асосида "Хоразм воҳасининг доривор ўсимликлари" деб номланган монографиясини ёзиб тугатди. Бу монография 1972 йилда "Медицина" нашриёти томонидан чиқарилди.

Р.Собиров халқ табобати билан чуқур шуғулланди. Бу соҳага бўлган қизиқишининг янада ортишига сарапоёнлик табиб, бағри кенг ва саховатли инсон Иброҳим ота Қурбон ўғлининг таъсири катта бўлди. Бу машҳур табиб Ражаббой акага оталарча ғамхўрлик қилди. Халқ табобати сирларини эринмай ўргатди. Гиёҳларда шифо мужассамлигини уқтирди. Мавлоно Нидоийнинг машҳур "Каюннома" асарини Р.Собировга совға қилди.

Ражаббой ака ана шу тариқа доривор гиёҳлар билан тиллаша бошлади. Хоразм воҳаси ҳудудида, Қорақум ва Қизилқум саҳроларида, Устюртда ўсадиган гиёҳларни, айниқса, сутламагулдошлар оиласига кирувчи гиёҳларни зўр қизиқиш ва катта чидам билан илмий асосда ўргана бошлади. Сутламагулдошлар оиласига кирувчи, фақат Устюртдагина ўсадиган гиёҳларни излаб, бу саҳронинг инсон қадами етмаган бурчакларини кезди. Оғир чўл шароитида соғлиғини гаровга қўйиб, гиёҳлар билан тиллашди.

Илм-фан йўлида чекилган заҳмат, тинимсиз ва машаққатли изланишлар зое кетмади. Қизилқум ва Қорақум саҳроларида, Устюртда ўсадиган сутламагулдошлар оиласига мансуб гиёҳларни ўрганиш ишлари хайрли якунланди. Майда қон томирлари фаолиятини яхшилашга хизмат қилувчи "Хрозофорин" препаратини кашф қилди. Бу препарат учун муаллифлик гувоҳномасини олди. 1977 йилда фармацевтика фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун диссертация ёқлади.

Бироқ Ражаббой Собиров фан йўлидаги изланишларини, хайрли ишларини тўхтатгани йўқ. У кўпгина илмий рисолалар, мақолалар ёзиб, эълон қилди.

Доривор гиёҳларнинг беш тилли луғатини яратди. Янада иштиёқ ва шижоат билан илмий изланишларини давом эттирди. Натижада 1991 йилда "Ўрта Осиё анъанавий табобатида қўлланиладиган доривор гиёҳларни фотокимёвий ўрганиш ва улардан фойдаланиш" деб номланган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1978 йилдан бошлаб узоқ йиллар давомида вилоят "Тиббиёт техникаси" корхонасига раҳбарлик қилди.

Р.Собиров айни пайтда Тошкент Тиббиёт академиясининг Урганч филиалида самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг илмий-педагогик фаолиятига ҳавас қилса арзийди. У ҳозирги кунда ҳам Хоразмда доривор гиёҳларни ўстириш ва улардан фойдаланиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Олимнинг "Хоразм шарбати" биринчи ва иккинчи деб тартибланган даволаш чойлари ҳозирги замон табобатида қўлланиш учун қабул қилинган.

Ражаббой Собиров фаолияти билан боғлиқ яна бир хушхабар "Хива бальзами" деб номланган шифобахш ичимликнинг кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун қабул қилинганлигидир. Бу бальзам халқ табобатида қўлланиб келинаётган 20 та экологик тоза ўсимликнинг шифобахш қисмларидан тайёрланган. У ақлий ва жисмоний жиҳатдан толиққанда, қон босими пасайганда, организм мадорсизланганда ичилса, яхши самара беради.

Яқинда Тошкент Тиббиёт академиясининг Урганч филиали жамоаси ажойиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдилар.

Хонқалик олим, доришунослик фанлари доктори, Россия Тиббий техника фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Ражаббой Собиров Халқаро "Antique World" илмий академиясининг академиги унвонига лойиқ деб топилди.

Бу серқирра олимнинг илмий фаолияти ёш авлодга ўрнак бўлгулик. Эртага Ражаббой Собиров ўз ҳаётининг олтмишинчи довонидан ошади. Ана шу сана арафасида ажойиб олим, камтарин ва самимий инсоннинг келгусидаги илмий фаолиятига, етук тиббиёт ходимлари тайёрлаш соҳасида қилаётган фидойи ишларига ривож, ўзига эса мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

ТАДБИР

Бу ҳақда 12 сентябрь куни "Ўздунробита" ("МТС-Ўзбекистон") компанияси ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори Абдулла Орипов маълум қилди.

Ҳамкорлик ривожланмоқда

ЎЗБЕКИСТОНДА УЯЛИ АЛОҚАДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР СОНИ 2 МИЛЛИОНГА ЕТДИ

■ Ўз мухбиримиз

Таъкидланганидек, яқинда "МТС-Ўзбекистон" брэнди остида ишлай бошлаган "Ўздунробита" ўтган 15 йил ичида ўз абонентлари базасини 1 миллионга етказиб олди ҳамда янги препад — "Time" тизимини ишга туширди.

Абдулла Орипов "Ўздунробита" Ўзбекистонда MTS-450, AMPS/DAMS va GSM каби бир неча стандартларда ишлайдиган ягона компания эканлигини айтиб ўтди. Тадбирда иштирок этган МТС президенти (Россия) Леонид Меламед ҳамкорларга миннатдорлик билдирар экан, компания ушбу соҳада янги технологиялар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашга инвестиция киритишда давом этишини таъкидланди.

2004 йил август ойида 61,77 миллион абонентга хизмат кўрсатувчи Россиянинг "Мобил ТелеСистемы" ОАЖ (МТС) уяли алоқанинг йирик оператори — "Ўздунробита" акцияларининг 74 фоизини сотиб олишини маълум қилган эди.

Ҳозирги вақтда "МТС-Ўзбекистон" компанияси юртимизнинг аҳоли яшайдиган барча ҳудудларида GSM 900/1800 va AMPS/D-AMPS стандартларида уяли алоқа хизматларини кўрсатмоқда.

ЯНГИ САЙИЛГОҲ

Саноат шаҳри — Чирчиқда юртимизда энг йирик истироҳат маскани —аквапарк ва лунапарк барпо этиладиган бўлди. Шу муносабат билан шаҳар хиёбонида бўлажак сайилгоҳнинг тамал тошини қўйиш маросими ўтказилди.

Чирчиқда аквапарк

Режага мувофиқ бу ерда суви спиралсимон қурилмалардан оқадиган 15 та ҳовуз, сунъий дарё ва барча шароит муҳайё қилинган турли арғимчоқ ҳамда аттракционлар қурилади. Ҳовузларга беш миллион литр фильтрланган зилол сув қуйилади. Бир неча кун дам олиш истагида бўлганлар учун меҳмонхона ва оилавий бунгало, шунингдек, супермаркет, дўкон ҳамда автобекат барпо этилади.

Замонавий дам олиш маскани Туркия сармоядорлари иштирокида қурилади. Бўлажак аква ва лунапарклар ҳориждан келтириладиган металл конструкцияларини ўзбек мутахассислари йиғадилар. Янги дам олиш маскани келгуси йилнинг май ойида фойдаланишга топширилади. Унга ҳар куни бир неча минг киши ташриф буюриши мумкин.

ФЕСТИВАЛЬ

Бекобод шаҳридаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларни қадим анъаналарга садоқат ҳамда ватарпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий меросимизга бўлган қизиқишларини оширишга жиддий эътибор берилмоқда.

«Сайхун»га — иккинчи ўрин

■ Дониёр КАМОЛ

Маълумки, тўрт йилдан буён республикадаги касб-ҳунар коллежлари ўртасида "Барҳаёт анъаналар" фольклор-фестиваль танлови ўтказиб келинади. Унинг бу йилги босқичида коллеж талабалари ва ўқитувчиларидан ташкил топган "Сайхун" жамоаси ҳам иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

— Коллежимизда ўнга яқин тўгараклар ишлаб турибди. Уларда санъат сирларини ўрганиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди коллеж раҳбари Мамасоли Бухарбоев. — "Сайхун" фольклор-этнографик жамоасининг ташкил этилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ижодий жамоа ўз санъати орқали нафақат вилоятда, балки республикада ҳам танилиб улгурди.

Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ўзига хос. Хусусан, тўй-маросимларда турли хил удумларга амал қилинади. Ана шу каби жараёнларнинг саҳнавий кўринишлари "Сайхун" жамоаси ижодидан кенг ўрин олган. Халқ ҳаваскорлари изланишларни давом эттириб, ўз репертуарини янги куй-қўшиқлар билан бойитиб бормоқда.

ЭЪЛОН

Гуллаб-яшнаётган юртимизга олтин куз кириб келди.
1 октябрда мураббийлар ва устозлар байрами нишонланади.
Ана шундай файзли кунларда

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
«ПАХТАБАНК»

сизлар учун қулай ва манфаатли «Олтин куз» ҳамда «Мураббий» муддатли омонатларини таклиф этади.
Омонатларни сақлаш муддати 6 (олти) ва 3 (уч) ой бўлиб, йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади.
Бадалнинг энг кам миқдори — 100 минг сўм.
Банк "Олтин куз" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни ойма-ой, «Мураббий» омонат тури бўйича эса омонатни сақлаш муддати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлайди.
Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланганини эсдан чиқарманг.
«ПахтаБанк»нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.

«ПАХТАБАНК» СИЗНИНГ КЕЛГУСИ ДАРОМАДИНГИЗ КАФИЛИДИР!

МОЛИЯ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни кенгайтиришимиз даркор

БАНК ТИЗИМИ

Самарали ҳамкорлик

ИККИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизда мустақил банк тизимининг шаклланиши, кўп сонли акциядорлик-тижорат, шўъба, хусусий ҳамда чет эл сармояси иштирокидаги банкларнинг фаолият юрита бошлагани иқтисодиётимизнинг босқичма-босқич ва бир маромда ўсиб боришида алоҳида ўрин тутмоқда. Улар орасида "Ўзбекистон-Туркия банки" - "ЎТ банк" ёпиқ акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор.

■ Насиба ИСМАТОВА, «XXI asr» мухбири

Ушбу молия муассасаси Марказий банк томонидан берилган лицензия орқали фаолият юрита бошлаганига 13 йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида банкнинг бевосита молиявий кўмаги билан республикамизда ўнлаб қўшма корхоналар иш бошлади. Айни пайтда мустақил Ўзбекистон тамғаси билан маҳсулот ишлаб чиқараётган "Сафари Текстиль", "Сотек Тошкент текстиль", "Тошкент қувур корхонаси" каби қўшма корхоналар номи нафақат яқин қўшни мамлакатлар, балки сайёрамизнинг турли минтақаларида жойлашган давлатларда ҳам яхши таниш.

— "ЎТ-банк" Ўзбекистонда чет эл инвестицияси иштирокида очилган биринчи банкдир, — дейди банк бошқаруви бош маслаҳатчиси Камолитдин Нуритдинов. - Муассасамиз акцияларининг 50 фоизи Туркиянинг "Зираат банкаси" ва шунча миқдордаги қимматли қоғозлари АТ "Пахта банк"ка тегишлидир. Икки қардош мамлакат банклари ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорлик ўтган давр ичида мустаҳкамланиб, юртимиз иқтисодиёти ривожига-ривож, тараққиётига-тараққиёт қўшаётгани жамоамиз хизматчиларининг мунтазам изланиб ишлашларига кенг йўл очмоқда. Мавжуд имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, Ўзбекистон молия бозоридаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаш, улушимизни кўпайтиришга ҳаракат қиламиз.

Бугунги кунда банкда 80 нафар мутахассис фаолият юритаяпти. Мижозлари сони эса 4582 тани ташкил этади. Уларнинг 3543 таси жисмоний, 1039 таси эса юридик шахслардир. Банкнинг энг йирик ҳамкорлари мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Ўзбекистон-Туркия" қўшма корхоналаридир.

Юқорида таъкидланганидек, банк ўтган давр мобайнида мамлакатимиз молия бозорини мукаммал даражада ўрганиб, ўзлаштириш босқичини бошдан кечирди. Ҳукуматимиз томонидан банклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни қонуний ҳимоялаш тизими яхши йўлга қўйилгани боис, "ЎТ-банк" бошқаруви айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молияга киритиш ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш, лизинг хизматлари кўрсатишни кенг йўлга қўйди. Бу борада, айниқса, республикамизда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган, яъни, узоқ муддат фойдаланадиган уй-рўзғор буюмлари ва маиший техникаларни ҳарид қилмоқчи бўлган фуқароларга истеъмол кредитлари ажратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Маълумки, банк ва мижоз муносабатларида эътибор биринчи навбатда ҳар икки томон манфаатларига қаратилади. Шу боис, "ЎТ-банк" бошқаруви ўз молиявий сиёсатини мамлакатимиз иқтисодиётида устувор ҳисобланган йўналишларга қаратмоқда. Яъни, мижозларга кредит ажратишда асосий эътиборни импорт ўрнини босувчи ҳамда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялашни ўзининг биринчи галдаги вазифалари қаторига қўяяпти. Кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар таркибида микрокредитлар салмоғини ошириб бориб, уларни асосан маҳаллий саноатни ривожлантиришга йўналтирмоқда.

Валюта бозорини янада эркинлаштириш, импорт ва экспорт шартномаларини рўйхатга олиш ҳамда бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

— Барча банк муассасаларида бўлгани сингари бизнинг жамоамизда ҳам самарали пул-кредит сиёсатини юритиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш юзасидан мунтазам иш олиб борилаяпти, — дейди суҳбатимиз чоғида Нуритдин Жамолович. - Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаш доимий диққат-эътиборимиздадир. Чакана савдо, хизмат кўрсатишнинг турли соҳалари, жумладан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида тўловларни пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш мақсадида жойлардаги терминаллар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Албатта, юқорида таъкидланган кенг кўламли юмушларни амалга ошириш учун етук мутахассис кадрлар, ўз касбининг фидойилари зарур. "ЎТ-банк"да бу масалага алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ёш, малакали кадрларни танлаш, ходимлар захирасини тайёрлашни банк бошқаруви энг асосий вазифалардан бири деб билади. Шу боис ҳар йили Туркия Республикасига икки нафар хизматчи малака оширишга юборилмоқда. Бундан ташқари, Туркия "Зираат банкаси" томонидан бир ойлик ўқув-семинарлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мустақил банк сиёсатини амалга оширишга киришилган кезларда хорижий банклар орасида биринчи бўлиб фаолият бошлаган банк жамоаси бугун Ўзбекистон молия бозорининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди ва айни пайтда икки қардош мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳар икки томон иқтисодиётини ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ФОТОКЎРГАЗМА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг раислари, раис ўринбосарлари, депутатлар, партия фаоллари иштирок этишди. Дастлаб анжуман қатнашчилари вилоят кенгаши биноси фойесида мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб партия ташкилотларининг жорий йилдаги фаолиятидан ҳикоя қилувчи фотокўргазма билан танишдилар.

Талаб ва масъулият

■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Партия вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Сайдалиевнинг таъкидлашича, ўтган давр мобайнида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилган, айниқса, мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан жойларда партиядан сайланган депутатлар ва фаоллар ҳомийлигида ўтказилган байрам хайрия тадбирлари, мусоҳаба ва учрашувлар кўпчиликда катта таассурот қолдирган.



— Туманларда яхши фаолият кўрсатмаётган бошланғич партия ташкилотларининг борлиги ниҳоятда ачинарли холдир, — деди вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими раҳбари Ҳамроқул Бобоқулов. — Улар ишини жонлантириш туман кенгашлари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир бошланғич ташкилотнинг фаолиятини ўрганиб, жиддий таҳлил этиш керак. Масъулиятни унутиб, партиявий ишларни суст ташкил этаётган аъзоларимиздан воз кечиш фурсати келди.

Шундан сўнг ташкил этилган фотокўргазманинг вилоят босқичи якунланди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Президентимизнинг аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги фармон ва қарорлари талабларини бажариш борасида кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда партия фаолиятини кенг ёритганлиги учун Шаҳрисабз туман кенгаши ғолиб деб топилди. Иккинчи ўрин бошланғич партия ташкилотлари ишини жонли тасвирлагани учун Қарши шаҳрига, учинчи ўрин эса "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида қилинган ишларни ёритганлиги учун Ғузор ва Касби туман кенгашларига берилди.

Мижозлар манфаати — асосий мезон

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН «ПАХТАБАНК»НИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН 206 НАФАР МИЖОЗГА 154,4 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДАГИ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий валюта қадрини ошириш ва банк соҳасини такомиллаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

■ Феруза ЭГАМОВА

Бошқарманинг 11 та туман филиали ҳамда 50 та минибанкдан иборат тузилмаси унинг фаолият доирасини кенгайтириш учун қулай имконият яратмоқда.

— Бўлимларимиз томонидан 2006 йил 1 январгача 9410 та мижозга хизмат кўрсатилган бўлса, 1 июль ҳолатига бу соҳадаги кўрсаткич 12983 тага етди. Яъни йил бошига нисбатан мижозлар сони 38 фоиз ошди, — дейди "Пахтабанк" вилоят бошқармаси бошлиғи Раимжон Ғафуров.

Мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнаётган фермер хўжаликларига қулайликлар яратиш, уларга хизмат кўрсатишни ўз жойида ташкил этиш мақсадида бошқарма томонидан маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда қўшимча 16 та минибанк очилди.

Минибанкларда 147 нафар малакали ходим фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 48 нафари олий маълумотли мутахассисдир. Минибанк мижозларига 2006 йил давомида 11204 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртларига контракт асосида ўқишга кирган талабаларга 2006 йил 1 июлгача жами 3,1 млн. сўм миқдорида 103 та таълим кредити берилди. Ушбу рақамлар бошқарма томонидан нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам — талабалар ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмаклашиш мақсадида 105 млн. сўм миқдорида 79 та микрокредит ажратилди. Мазкур кўмак аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва янги иш ўринлар ташкил этиш учун қулай имкониятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 206 та кам таъминланган оилага 154 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА МОЛИЯВИЙ КЎМАКЛАШИШ МАҚСАДИДА 105 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА 79 ТА МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. МАЗКУР КЎМАК АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТДИР.

Импорт товарлардан тушган сўмдаги маблағларни чет эл валютасида конвертация қилиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлар билан манфаатли ҳамкорлик қилинмоқда. Бу эса экспорт-импорт товарлар билан шуғулланувчи юртдошларимиз учун айни муддао бўлаяпти. Заминимиз нафақат ўзининг беҳисоб қазилма бойликлари, балки ширасси тилни ёрадиган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан ҳам азал-азалдан довруғ қозонган. Уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш иқтисодий фойда келтиришдан ташқари, ижтимоий манфаатли ҳамдир, яъни кўплаб иш ўринлари яратилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида "FRUIT WORLD LTD" агрофирмасига берилган маблағ ҳисобидан келтирилган ускуналар орқали бугунги кунгача 1071 млн. сўмлик 3683 тонна мева концентрациялари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 2204 тонна мева концентратлари Товар-хом ашё биржаси орқали АҚШ ва Хитой давлатларига сотилди.

Бошқарма ва унинг бўлимлари вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизматларини ҳам тақдим этиб келмоқда. Жорий йилнинг 1 июлигача 498856 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси лизинг асосида олиб берилди. 11 та туман филиалида пластик карточка хизмат тури жорий қилинган бўлиб, вилоят бошқармасининг банк жараёнлари бўлимида банкомат ўрнатилди. Филиаллар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 127 та терминал ўрнатилди. Қатор ташкилотларнинг ходимлари иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, "Пахтабанк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси 2006 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган иқтисодий кўрсаткичларни бажаришга эришди ва бу муваффақиятни йил давомида янада мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрмоқда. Негаки, банк хизматини намунали ташкил этиш жойларда янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга имкон яратади.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Янги ўқув йили арафасида Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туманларида янги қурилган, капитал таъмирланган ҳамда реконструкция қилинган мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

Янги ўқув йилини янги биноларда

Қарши шаҳридаги 3-мактаб жамоаси Истиқлол шодиёнаси арафасида ажойиб туҳфа олди. "Вилжамқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган 315 ўринли янги мактаб биноси қурилиши жорий йилнинг февраль ойида бошланган эди. Етти ой давомида қурувчилар томонидан 430 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Лойиҳаси ва архитектураси жиҳатидан энг замонавий бўлган ушбу илм маскани бу ерда таҳсил оладиган ўғил-қизларга ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. Кенг ва шинам залда спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Синфхоналар ва махсус кабинетлар янги ўқув мебель жиҳозлари, лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган.

Умуман Қарши шаҳрида мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида капитал реконструкция қилинган ва таъмирланган 7 та мактаб ўқувчиларни бағрига олди. Бу йил Қашқадарё вилоятидаги 60 та мактаб ёшлари мустақиллик сабоғини капитал таъмирланган ва реконструкция қилинган замонавий билим даргоҳларининг шинам синфхоналарида тинглаш бахтига муяссар бўлишди.

ДУНЁНИ уммонга қиёслаш мумкин, унда компас билан сузган одамгина ўз манзилини тўғри топади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

РАҚОБАТ

КУБА

Кўп қутбли дунё сари

ГАВАНА САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ШУ ҲАҚДА ФИКР АЛМАШДИЛАР

"Совуқ уруш" тугаб, икки қутбли дунё барҳам топганидан буён ҳозирги дунё тартиби ҳақидаги баҳслар авжига чиқса чиқмоқдаки, асло тўхтагани йўқ. Асосийси — бундай баҳсларнинг нафақат академик йиғинларда, балки сиёсий давраларда ҳам қизғин муҳокама қилинаётгани бу борадаги қарашлар замонавий халқаро муносабатларга бевосита таъсир этиши муқаррарлигини кўрсатмоқда.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ



Мутахассислар АҚШ яккаҳокимлигига асосланган дунёвий тартибдан унга рақиб бўлиш эҳтимоли бор давлатлардан ҳам иккинчи даражали мамлакатларнинг бунчалик кескин ва бир овоздан норозилиги тарихда илк бор кузатилаётганини таъкидламоқдалар. Баъзилар эса ривожланган Шимол ва ривожланаётган Жануб ўртасида давом этаётган иқтисодий нотенгликка асосланган қарамақаршилик бундан кейинги халқаро муносабатлар хусусиятини белгилайди, дея башорат қилишмоқда. Гап шундаки, ривожланаётган давлатлар халқаро иқтисодий ва сиёсий саҳнада илгари ўйнаб келган ролга энди қониқиш ҳосил қилмаяпти.

Куба пойтахти — Гаванада бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати давлат раҳбарларининг XIV конференцияси буни яққол исботлади, дейиш учун барча асослар бор. Мазкур анжуманда сўзга чиққанлар аксиламерика ва дунёда муқобил куч марказларини шакллантириш асосида "учинчи дунё" мамлакатларини сафарбар этиш ҳақида гапирдилар. Айниқса, Америкага қарши кайфиятдаги чиқишлари билан маълум бўлган Венесуэла президенти Уго Чавес ўзини худди уйидагидек ҳис этди.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг сиёсий ва иқтисодий географияси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, муқобил куч марказлари пайдо бўлаяпти. Масалан, конференция давомида Бразилия ва Жанубий Африка Республикаси президентлари ҳамда Ҳиндистон бош вазирининг уч томонлама музокаралари бўлиб ўтди. Унда Хитой ва Ҳиндистондан Жанубий Африка орқали Лотин Америкасига олиб ўтувчи "жануб-жануб" ўқини шакллантириш ҳақида гап борди. Бразилия президенти Луис Инасио Лула да Сильванинг сўзларига қараганда, сўнгги пайтларда ривожланаётган давлатлар жаҳон иқтисодий харитасида тобора кўзга кўринарли ўринни эгалламоқдалар, бу эса улар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва ривожланган давлатлар бозорига чиқиш имкониятини бермоқда.

БМТ тарқатган маълумотларни таҳлил қилсак, 1995-2004 йиллар мобайнида ривожланаётган давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш икки маротаба кўпайиб, 562 млрд. долларни ташкил этган. Сўнгги йилларда мазкур кўрсаткич йилига 17,6 фоиз ўсаяпти. Бу эса умумий жаҳон савдосининг ўсиш суръатидан бирмунча юқоридир. "Жануб ўқи" давлатлари сармоя жалб этишда ҳам катта ўсишга эришмоқда. 1995 йилда фақат ривожланаётган давлатлар ўртасида киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) ҳажми бутун дунёдаги ТХИнинг 15,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб, бу кўрсаткич 36,6 фоизга кўтарилди.

Юқорида номлари тилга олинган "жануб" давлатлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг фаоллашуви кўпчиликда ижобий фикр уйғотмоқда. Россия Фанлар академияси Лотин Америкаси институти маълумотларига кўра, биргина Бразилиянинг Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва ЖАР билан олиб борган савдоси ҳажми 1990-2003 йиллар мобайнида 6,8 маротаба ортган. Мутахассислар ҳисоблашларича, бундай юқори самарадорликнинг сабаби шундаки, ушбу давлатларнинг иқтисодиёти рақобатлашишдан кўра кўпроқ бир-бирини тўлдиради. Бунинг устига, экспорт ва импорт йўналишларини кенгайтириш, ривожланган давлатлар, аввало, АҚШ қисиб чиқаришга интилаётган халқаро бозорларга чиқиш улар учун муштарак мақсаддир. Мана шу ерда иқтисодий ҳамкорлик сиёсий мақсадлар билан уйғун бўлса, ривожланаётган давлатларнинг мавқеи кўтарилиб бориши мумкин.

Гап шундаки, мазкур давлатларнинг барчаси минтақавий қудратли давлат ҳисобланади. Географик узоқлик улар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини камайтиради (бундан чегарадош Хитой ва Ҳиндистон мустасно, уларнинг манфаатлари кўп ҳолларда бир-бирини инкор этади). Давлатлар айнан ана шу масалага урғу берган ҳолда ҳамкорлик ва бирдамликни кучайтиришлари мумкин бўлади. Жаҳон савдо ташкилоти мавқеи бўйича музокараларнинг Доха раундида "жануб" давлатлари "Йигирмалар гуруҳи" асосини ташкил этиб, ривожланган мамлакатлар босимига муваффақиятли қаршилик кўрсатишгани бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин.

Баъзи манбаларда Москва-Деҳли-Пекин учбурчагининг истиқболи ҳақида мулоҳазалар ҳамон учраб турибди. Лекин "совуқ уруш" пайтидаёқ кўплаб оптимистлар умид боғлаган бу геосиёсий "ўқ" ҳатто учала давлат Ғарбнинг адолатсиз босимидан азият чекаётган ҳозирги шароитда ҳам иттифоққа бирлашишлари амри маҳол бўлиб кўринади. Чунки битта минтақада жойлашган бу давлатлар чегарадош бўлганлиги сабабли кўплаб принципиал масалаларда уларнинг қараш ва манфаатлари мос келмаслигини экспертлар таъкидлашаяпти.

Ривожланаётган дунёнинг етакчиларидан бири бўлишга даъвогарлик қилаётган Бразилия ҳукумати эса 90-йиллар бошидан турли қитъаларда жойлашган ва ўзаро рақиб бўлмаган давлатлар яқинлашуви ғоясини илгари сурмоқда. Ушбу давлатнинг ташқи сиёсат маҳкамаси бундан бир неча йил аввал "уйғонаётган гигант давлатлар"нинг аввал иқтисодий, сўнг сиёсий яқинлашувини кўзда тутувчи концепция ишлаб чиққан эди. Бу гигантлар қаторини биринчи навбатда Хитой, Ҳиндистон ва Россия, кейин эса ЖАР, Индонезия, Покистон ва Мексика эгаллаши керак.

Конференцияда ана шу каби ғоялар бот-бот илгари сурилди. Юзаки қаралганда, бу дунёвий тартибни ислоҳ қилишнинг иқтисодий жиҳати, холос. Тўғри, бу каби лойиҳалар яқин келажакда амалга ошиб қолмаса-да, энг асосийси — кейинги сиёсий ўзгаришлар учун пойдевор вазифасини ўташи аниқ.

УКРАИНА



Украина бош вазири Виктор Янукович Брюсселда Европа Иттифоқи ва НАТО раҳбарлари билан музокараларда ЕИ билан муносабатларда "евроромантизм"дан воз кечиш лозимлигини ва Киевнинг НАТОга аъзо бўлиб киришга тайёр эмаслигини айтди.

Бош вазирнинг «асп юриши»

■ Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА

"Зарғалдоқ инқилоб"идан икки йил ўтиб, Украина яна Леонид Кучма даврида Москва ва Ғарб ўртасидаги мувозанатни кўзда тутувчи сиёсат олиб боришни маъқул кўрмоқда.

Украина ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик кенгашининг ўнинчи мажлиси ва Украина-НАТО комиссиясининг навбатдаги мажлисида делегация раҳбари Виктор Януковичга ғарбликлар икки йил аввалги Майдон воқеаларидан фарқли ўлароқ, энди Киевнинг келгуси ташқи сиёсатини белгиловчи шахс сифатида қарашга мажбур эдилар. Аслида унинг олдида ҳам қийин вазифа турарди: европаликларни Москва томонидан бошқариладиган, юмшоқ қилиб айтганда, Россияга хайрихоҳ сиёсатчи эмаслигига ишонтириши керак эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Брюсселда Украина бош вазири Каспийдан Грузия, Туркия ва Украина орқали Ғарбий Европага Россияни четлаб ўтадиган газ қувури қурилишини молиялашга ЕИнинг кафолатларини олишга уринди. Бироқ Европа бундай таваккалчилик йўлини тутмаслиги маълум. Чунки Украина эмас, айнан Россия Европа мамлакатларига асосий газ экспортчиси эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам бундай масъулиятли қарор қабул қилишдан аввал ЕИ ўтган қишда бўлиб ўтган Россия-Украина газ "уруш"ида ким «ҳақ»лигини аниқлаб олмоқчи.

Европа мамлакатларига борувчи газ қувурларида босим камайиб кетган ўша пайтда Россия Украинани ўз ҳудудидан ўтувчи газни "ўғирлаб" олаётганликда айблаган бўлса, ўз навбатида Киев "Газпром"ни технологик муаммолар туфайли қувурни тўлдирмаётганлиги учун қоралаганди. Европа Иттифоқи нефть ва газ қувурларига ҳисоблагич ўрнатишга кўнди.

Бундан ташқари, Украина кейинги йил бошида ЕИ билан эркин савдо муносабатларини ўрнатиш юзасидан музокаралар бошлаш кафолатини олди. ЕИ билан эркин савдо Украинанинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришига йўл очади.

НАТО билан музокаралар эса очиқлигича қолаверди. Янукович сайловлар жараёнида ҳам Минтақалар партияси раҳбари сифатида Украинанинг НАТОга аъзо бўлишига қарши бўлиб келганди. Лекин Брюсселдаги музокаралар давомида у иложи борича Ғарбни ўзига қарши қилиб қўймасликка интилди.

Янукович унинг ҳукумати "Аъзолик бўйича ҳаракатлар дастури" юзасидан бирор мажбуриятни ўз зиммасига олмаган ҳолда "НАТО билан ҳамкорликни кенгайтириш"га тайёр эканлигини айтди. Ёдингизда бўлса, бундан аввалги Украина ҳукумати 2008 йилгача ҳарбий блокка аъзо бўлишга ниятида эди.

Шундай қилиб, Брюсселда Виктор Янукович президент Ющенконинг НАТОга аъзолик бўйича ғоясини чиппакка чиқариб келди, дейиш мумкин. Унинг бу позициясини президентни қўллаб-қувватловчи "Наша Украина" партияси кескин танқид остига олди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Баёнот қоғозда қолиб кетмасмикан?

"Новости" Россия ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Ироққа қўшни давлатлар ички ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтган. Унда қабул қилинган баёнотда ҳукумат вакиллари террорчилик ва чегараларни ноқонуний тарзда кесиб ўтишга қарши биргаликда кураш олиб боришга келишиб олганлар.

— Ироқ билан чегараларни ҳимоя қилиш учун контрабанда, ҳужжатларни сохталаштиришга қарши қўшимча чоралар кўриш ниҳоятда зарур бўлиб турибди. Нафақат Ироқ, балки унга қўшни давлатлар хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна солаётган террорчи гуруҳлар фаолиятига биз чек қўйишимиз керак, — дейилади баёнотда.

Шунингдек, Ироқнинг қўшнилари ушбу давлат ҳукуматининг мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ишларига кўмаклашиш, хусусан, хавфсизлик хизмати ходимларини тайёрлаш ва ўқитишда бевосита ёрдам кўрсатишга аҳдлашиб олдилар. Вазирлар Бағдодда махсус бюро тузишга қарор қилдилар. Бу бюро қўшма ҳаракатларни мувофиқлаштириб бориши, ИИВ раҳбарлари учрашувида имзоланган келишувлар ижросини назоратга олиши ва янги учрашувларнинг кун тартибини белгилаши керак.

Жидда шаҳрида ўтган учрашувда Ироқ, Саудия Арабистони, Эрон, Иордания, Туркия, Сурия, Кувайт, Миср ва Баҳрайн ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари иштирок этдилар. Бу 2003 йилда Ироқда уруш бошланганидан кейинги учинчи учрашувдир.

НОРОЗИЛИК

ВЕНГРИЯ

Оммавий тартибсизликлар

BBC News тарқатган хабарга кўра, Венгрия пойтахтида кучли тартибсизликлар рўй берди. Будапешт кўчаларига чиққан намойишчилар телемарказни қўлга олишга уринганлар. Полиция билан тўқнашув натижасида юздан ортиқ одам жабрланган.

Мамлакат бош вазирининг истеъфога чиқишини талаб қилувчи намойиш маҳаллий радиостанциялардан бири 2006 йил май ойида ёзиб олинган ҳукуматнинг ёпиқ мажлисини эфирга узатганидан сўнг оммавий тартибсизликка айланиб кетди. Радиотасмада бош вазир Ференц Дюрчани "ҳамкасблари билан эрталабдан кечгача ёлғон сўзлаш билан банд бўлганлиги", мамлакат иқтисодиёти эса мўъжиза туфайли бўҳронга учрамаганлиги айтилган.

Кечаси телемарказ майдонида эфирга чиқишга рухсат беришларини талаб қилиб юзлаб кишилар тўпланишган. Полиция намойишчиларни тўхтатишга уринишига қарамай, бир неча ўн киши бинога киришга муваффақ бўлган. Улар хоналардан бор нарсаларни: компьютер ва бошқа техника воситаларини кўтариб кетишган.

Можарога сабаб бўлган радиотасма фуқаролар ҳукмига ҳавола этилгач, Венгриядаги мухолифатчи партиялар бош вазирнинг истеъфога чиқишини талаб қилган. Мамлакат президенти Ласло Шойом ҳукумат раҳбарининг "одамларда демократияга ишончни йўққа чиқарадиган" ҳаракатларини қоралади.

СЎНГГИ САҲИФА

ФАН, бу тартибга солинган билимдир

ОЛИМПИАДА

ТАЙЁРГАРЛИК

Мезбонликка уч даъвогар



Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) 2014 йилги қишки Олимпия ўйинларини ўтказиш учун даъвогарлик қилаётган Сочи (Россия), Пхенчхан (Жанубий Корея) ва Зальцбург (Австрия) каби учта шаҳар имкониятларини таҳлил қилиш билан шуғулланадиган Баҳолаш ҳайъати таркибини эълон қилди.

ХОҚ вице-президенти, 1956 йилги қишки Олимпия ўйинларида тоғ чанғиси бўйича кумуш медални қўлга киритиб, Кунчиқар юрт вакиллари орасида бундай натижага биринчи бўлиб эришган Чихару Игайя ҳайъат раиси этиб тайинланган бўлса, махсус гуруҳнинг 19 нафар аъзоси сафидан Олимпия ўйинларини ўтказиш бўйича ижрочи директор Жилберт Фелли (Швейцария) ва ХОҚ Ижроия кенгашининг тўрт нафар аъзоси — Кай Холм (Дания), Принц Оранж (Голландия), Вальтер Трогер (Германия) ва Ребекка Скотт (Канада) кирди.

Расмий сафарлардан аввал Баҳолаш ҳайъати аъзолари даъвогар шаҳарларнинг кейинги йил 10 январига қадар қўмитага топшириладиган тақдимот китоблари билан танишиб чиқиб, ташрифлар давомида чиқарилган хулосалар асосида ҳисоботлар тайёрлайдилар. XXII қишки ўйинларнинг мезбони эса, 2007 йилнинг 4-7 июль кунлари Гватемалада бўлиб ўтадиган ХОҚнинг 117-бош ассамблеясида овоз бериш йўли билан танланади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

25 сентябрь -1 октябрь

ҚЎЙ. 25 сентябрга қадар кўпдан бери бошингизни оғритаётган бир қанча муаммоларингизни яқинларингиз ёрдамида ҳал қилишга эришасиз. Демак, "тоза варақ"дан бошланган янги ҳафтани безаш фақат ўзингизга боғлиқ бўлади. Умуман олганда, яхши ният билан бошлаган барча ишларингиз бароридан келади.

БУЗОҚ. Келаси ҳафтада шахсан ўзингизга юкланган вазифаларни атрофингиздаги одамлар билан ҳисоблашиб ҳам ўтирмай, имкони борича қисқа муддатда бажаринг. Индамас мижозлар билан "сукут — аломати ризо" қоидасига риоя қилган ҳолда ишланг.

ЭГИЗАКЛАР. Душанбада рўй берадиган раҳбарият билан боғлиқ арзимас келишмовчиликни ҳисобламаганда, ҳафтани кўнгилдагидек ўтказасиз. Масалан, чоршанба куни, ниҳоят, анчадан буён қидираётган одамингизни топишингиз, жума куни бўладиган "имтиҳон"дан эса аъло баҳо олишингиз кутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ўз бурчингизни адо этиш йўлида пулингизни ҳам, вақтингизни ҳам аяманг. Зеро, маълум вақт ўтиб, зиммангиздаги вазифаларни бажарганингиз эвазига муносиб тақдирланишингиз кутилмоқда. Ҳафта охирида устоз ва мураббийларингизни байрам билан қутлаш ёдингиздан чиқмасин.

АРСЛОН. Чоршанба куни дастурхон тузаб, меҳмон кутишингизни айтмасак, ҳафта давомида айтарли муҳим воқеа-ҳодисалар рўй бермайди. Катта жанжал ва низоларга аралашиб қолмай, десангиз, ўзбошимчалик ва катталар маслаҳатига риоя қилмаслик каби иллатлардан йироқроқ юринг.

ПАРИЗОД. Ҳар томонлама қулай ҳафтани бошдан кечирасиз. Жумладан, душанбада иш куни бўлишига қарамай, мириқиб ҳордиқ чиқаришга, шанба куни эса, аксинча, катта манфаат келтирувчи келишувни имзолашга муваффақ бўласиз.

ТАРОЗИ. Душанба куни оғир молиявий аҳволда қолган яқинларингиздан бири сиздан ёрдам сўраб келганда, "қора кун" учун деб сақлаб қўйган маблағингиздан олиб бўлса ҳам муҳтожнинг ҳожатини чиқаринг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса таклиф этилган жойга боришни унутманг.

ЧАЁН. Чоршанбага қадар бутун диққат-эътиборингизни соғлиғингизни тиклашга қаратинг. Спорт билан шуғулланинг. Дам олиш кунларида бозорга тушиб, фарзандларингиз, ука-сингилларингиз учун керакли кийим-кечак олиб беринг.

ЎҚОТАР. Ҳафта бошида иш жойингизда ўзгарган муҳит туфайли салбий оқибатлар пайдо бўлиши мумкин. Шунга қарамай, юзага келган инқирозни сабр-тоқат билан енгишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни бошқа — дала ҳовли юмушлари, бозор-ўчар каби юмушлар билан овутинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Келаси ҳафтада "тоғ эчкилари" бир ўқ билан иккита қўённи уриш имконига эга бўладилар. Демакки, ҳафта давомида мазкур бурж вакиллари ҳеч қандай ишдан қочмасдан, тинмай меҳнат қилсалар, ниҳоятда салмоқли натижаларга эришадилар.

ҚОВҒА. Ҳафтанинг дастлабки кунларида шеригингизнинг узоқ вақт мобайнида сизни алдаб келаётганини сезиб қоласиз-да, кўп ўтмай айбдор жазоланганини эшитиб, таранглашган асабларингиз тинчланади. Жума куни яқинларингиз учун кичик дастурхон ёзиш имкониятига эга бўласиз.

БАЛИҚ. Сентябрнинг сўнгги ҳафтасида шахсий ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар рўй беради. Жумладан, чоршанба ва жума кунлари оралиғида яқин кишингиз сизни дил изҳорлари ёхуд ажойиб совғалар билан хушнуд этиши кутилмоқда. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказасиз.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ 361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
А. СОЙБНАЗАРОВ
Ш. ЭРАЛИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1167
Тираж: 9980

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иктимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71; 361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com

БУ АЖИБ ДУНЁ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Мамонт дарахтнинг рекордлари

Калифорнияда ўсаётган бўйи 115 метр, яъни 35-40 қаватли бино баландлигига тенг улкан секвойядендерон дунёдаги энг баланд дарахт ҳисобланади.



Асосан Сьера-Невада тоғлигининг (денгиз сатҳидан 1200-1500 метр баландликда) ғарбий ён бағрида ўсадиган мазкур мўъжиза-дарахтнинг осилиб ўсувчи шохлари фил ва мамонтнинг тишларига ўхшагани боис, ушбу "яшил дев" мамонт дарахт, деб ҳам аталади.

Ўзига хос баланд бўй (ўртача 80-100 метр) ва қалин танага эга (айланасининг диаметри — 8-10 метр) гигант секвойядендерон бошқа дарахтларга нисбатан анча узоқ умр кўриши билан ҳам ажралиб туради. Олимлар бу борада ҳали бир тўхтамга келмаган бўлсалар-да, маълумотларга кўра, дарахт 2-3 ва, ҳатто 4 минг йил яшар экан. Қизиғи — Сьера-Невададаги энг катта секвойядендеронларга "Ўрмонлар отаси", "Генерал Шерман" каби исмлар қўйилган.

Чамалаб кўрилганда, "бор-йўғи" 83 метр бўйга эга "Генерал Шерман" салкам 1500 метр куб ёғочдан иборат экани, бўлакларга бўлинган тўсинларни ташиб кетиш учун 20-25 вагонли эшелон керак бўлиши аниқланган. Айланасининг диаметри 11 метрни ташкил этган дарахтдан қолган тўнкада эса бемалол оркестр жамоаси ва ўттиз нафар раққоса концерт уюштириши мумкин. Бу — ҳали ҳаммаси эмас: 1881 йилда Йосеми миллий боғида улкан секвойядердерон танасининг пастки қисми ўйилиб, ўтиш йўли ҳосил қилинган. Мазкур тоннелдан автомобиль ҳеч қандай қийинчиликсиз ўта олади.

БОКС

Маълумки, Universum Box-Promotion промоутерлик компанияси бир неча йилдан буён профессионал боксчимиз Руслан Чагаев билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Чагаев Штутгартда жанг қилади

Куни кеча мазкур компания ҳамюртимиз ҳамда собиқ жаҳон чемпиони Жон Руис ўртасида бўлиб ўтиши кутилаётган жангни ташкиллаштириш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ўтказилган танловда ғолиб чиқди.

Маълумотларга кўра, WBA йўналиши бўйича энг оғир вазн тоифасида мутлақ чемпион билан куч синашадиган боксчининг номини аниқлаб берувчи ушбу беллашув 28 октябрь куни Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтади.

ФАН ВА ТЕХНИКА

Автомобиллар... 2009 йилдан уча бошлайди

АҚШнинг Terrafugia компанияси муҳандислари ҳам оддий автомобиль йўлларида юрадиган, ҳам ҳавода эркин парвоз қила оладиган транспорт турини яратиш соҳасида олиб борилган ишларининг назарий қисмини ниҳоясига етказиб, эндиликда чизмаларда акс эттирилган Transition номли "учар улов"ни ясашни бошлаб юборишганини маълум қилишди.

Лойиҳага кўра, учиш пайтида "келажак машинаси" двигателининг бор қуввати парвозни таъминлайдиган винтга йўналтирилса, ерда юрганида бошқариладиган олдинги ғилдиракларни ҳаракатга келтиради. Дарвоқе, бор-йўғи 100 от кучига эга бўлган ихтиронинг қанотлари йиғиладиган бўлади.

ОБ-ҲАВО

21-28 сентябрь кунлари Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳаво ҳарорати кечаси **6-10,** кундузи **24-29** даража бўлади. Ёғингарчилик кутилмайди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ҳарорати кечаси **7-11,** кундузи **28-31** даража атрофида қайд этилади. Фарғона водийсида ўзгарувчан ҳаво кузатилиб, ҳарорат кечаси **5-11,** кундузи **28-31** даражани ташкил қилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ҳарорати ўтаётган ҳафтага нисбатан иссиқроқ бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси **10-12,** кундузи **25-28** даража бўлади.

Тошкентда ҳам ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, янги ҳафтадан бошлаб кунлар яна исиши кутилмоқда. Термометр кечаси **10-14,** кундузи **26-28** даражани кўрсатади.

ЭЪЛОН

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Моваройнаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz